

63
C26

АКМАЛ САЛОХОВ

**ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИДА
ЁШЛАР ТОЛЕРАНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ
ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**




63
C-26

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АКМАЛ САЛОХОВ

ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИДА ЁШЛАР ТОЛЕРАНТЛИГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ-
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ



Тошкент
LESSON PRESS
2016

УЎК 37.24(575.1)

КБК 74.200.50

A34

Жадидчилик гояларида ёшлар толерантлигини шакллантириш муаммолари ва унинг тарихий-фалсафий тахлили / А.Салохов.— Т.: LESSON PRESS, 2016. — 120 Б.

Масъул мухаррир:

Фалсафа фанлари доктори, профессор

З.Р.Қодирова

Тақризчилар:

профессор, ф.ф.н. Н.Х. Ҳакимов

БухМТИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н. М.Т.Воҳидова

Мазкур монографияда жамиятда толерантликнинг ривожланиши, айниқса ёшларда таълим жараёнида толерантликни шакллантиришнинг тарихий-фалсафий масалалари мавзуси бўйича махсус тадқиқот ишлари таҳлил этилган. Шунингдек, жадидчиликда ёшлар толерантлигини шакллантиришнинг тарихий-фалсафий масалалари таҳлил қилиниб, ушбу жараёни такомиллаштириш йўллари ва воситаларини аниқланиб, миллий ривожланиш концепцияси нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Монография тадқиқотчилар ва жадидчилик ҳаракати намояндалари билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

Монография Бухоро муҳандислик-технология институти Илмий Кенгашининг 2016 I июндаги № 9-сонли мажлис баённомаси билан чоп этишга тавсия этилган.

УЎК 37.24(575.1)

КБК 74.200.50

ISBN 978-9943-4662-5-8

© А. Солохов, 2016 й

© “LESSON PRESS” МЧДЖ нашриёти, 2016 й

МУҚАДДИМА

Мамлакатимизда қадриятларимизга ҳурмат билан қараш миллатнинг ўзлигини англашнинг асосий бўғинидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз демократик ислохотлар яратилган маданий-маънавий бойликлар билан қўшилиб миллий тараққиётимизни янада ривожланишига, гоёвий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуг қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш”¹ вазифаси фалсафа тарихининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий гоёларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Толерантлик умуминсоний туйғулар тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг миллатлараро, конфессиялараро ва инсонлараро қадрият сифатида амал қилиши жамият тараққиётига хизмат қилади. Чунки турли манфаатларга эга бўлган миллат, элат ва халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, самимийлик ва дўстона муносабатлар амал қилсагина, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш мумкин. Шу маънода, ёшларда толерантликни ривожлантириш ва юксалтириш: бир томондан, ёшларнинг ўзаро тотувликда яшашида муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал қилишида амалий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, умуминсоний қадриятлар глобаллашувига ижобий таъсир ўтказadi. Толерантликнинг қадрият даражасига кўтарилиши, ёшлар маънавияти даражасини кўрсатади. Шу маънода ёшларда толерантликнинг шаклланиши, ривожланишини илмий ўрганиш, тарихий-фалсафий таҳлил қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосалар, методологик тавсиялар, амалий таклифлар ишлаб чиқиш долзарб фалсафий масала ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан мамлакатимиздаёшлар илмий салоҳиятини янада юксалтириш, фалсафа тарихининг барчаилмий йўналишлари самарадорлигини оширишга қаратилган фикр ва мулоҳазалари бу соҳа олим ва мутахассислари зиммасига катта масъулият юклайди.

¹ И.А.Каримов. Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўғинида. Халқ сўзи. 2006. 26 август

Биринчидан, Ўзбекистон ўз олдида ҳукукий-демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятни вужудга келтиришни олий мақсад қилиб қўйган. Бунинг муҳим шартини янги инсонни тарбиялаш, унда айниқса, ёшларда юксак инсоний ғазилатларни ривожлантириш бўлиб, шу нуқтани назардан ёш авлодда таълим жарёнида толерантликни шакллантириш муаммоси муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ушбу мавзунинг долзарблигини янги тарихий шароитда глобаллашув жараёнилари, хусусан, толерантлик муаммосининг умуминсоний қадрияти сифатида жадаллашиши, инсониятга умумий хавф туғдирувчи халқаро терроризм, диний экстремизмнинг кенг тарқалиши кишилар онгида моддий ва маънавий бойликларни имкон қадар яққол қўлга киритишга, ўз манфаатини, "Мен"лигини ўзгаларникидан устун қўйишга интилиш ривожланиб, бу жараёнинг авж олиши аксарият ҳолларда манфаатлар тўқнашуви даражасига чиқиб, толерантлик муаммосини давлат, минтақа ва жаҳон миқёсида эътироф этилишига олиб келганлигини белгилайди.

Бу ҳол 1995 йил 16 ноябр Париж шаҳрида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг йигирма биринчи сессиясида қабул қилинган «Толерантлик тамойиллари декларацияси»да ўз аксини топган. Ҳозирги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий воқелик ижтимоий ҳаётга янгича тамойиллар, меъёрлар билан ёндашувини тақозо этиши, ижтимоий онг мазмунан тобора инсоний моҳият касб эта бориши, шахс ҳақ-ҳуқуқлари барқарорлашиши, халқаро маконда толерантлик, меҳр-шафқат, адолат қарор топиши жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, минг йиллар мобайнида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликларни яна ҳам чуқурроқ уйғунлаштириш, гоёвий-маънавий покланишни таъминлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш муаммоларини тадқиқ этиш зарурлиги ва муҳимлигини таъкидлаш лозим.

Тўртинчидан, барча тарихий даврларда ўзбек халқи ўзининг юксак маънавияти, ахлокий, урф-одатлари, ўзига хос ғазилатлари.

яъни ўзбек менталитети билан ажралиб туради. Толерантлик ўзбек миллатининг асосий хислатларидан биридир. Узоқ асрлар мобайнида Марказий Осиё халклари хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар. Бу албатта ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг келажак қиёфасини осойишталик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувлик, маданиятларнинг ўзаро уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида конструктив иштирок этиши толерантликни шакллантиришни белгилайди. Толерантлик инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади. Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсадларидан биридир.

Олтинчидан, бутун жаҳонда толерантлик гоёсининг салоҳияти ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда ва у ҳозирги дунёнинг устувор қадриятларидан бирига айланди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи ва талаба ёшларни миллатлараро тотувлик ва толерантлик руҳида тарбиялаш шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлганлигини таъкидлаб, Республикамиздаги барча мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари онгига толерантлик гоёси ҳамда тарбиясини сингдириш ҳозирги давр ёшларини миллий гоё талаблари руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳам асосий мақсади – шахсни ҳар томонлама камол топтириш, уни юксак маънавий, ахлоқий, эстетик қадриятларга эриштиришдан иборат.

Еттинчидан, ёшларда толерантликни шакллантириш муаммолари, улар билан боғлиқ таълим ва гоёларга Ўзбекистон халқлари тарихий-фалсафий меросининг муҳим таркибий қисми бўлган янги давр маърифатпарварлик оқимлари айниқса бойдир. Янги даврга хос маърифатпарварлик ҳаракатлари бутун жаҳон халқлари маънавий-фалсафий ривожланишларининг маълум босқичини ташкил этиб, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон халқлари маънавиятида ҳам энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Албатта, Ўзбекистондаги маърифатпарварлик ҳаракати мураккаб ва бой тарихий жараёндан ўтиб ўзига хос бир неча оқимлар сифатида намоён бўлган. Булардан энг асосийларини XIX аср охири ва XX аср илк бошини камраб оладиган даврда шаклланиб келган маърифатпарварлиkning дастлабки оқимлари ва унинг чуққиси сифатида вужудга келган жадидчилик ташкил этади.

Шунинг учун баркамол авлод камолоти, уларнинг толерантлиги ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади ва бу борада барча омилларга, хусусан ижтимоий-тарихий далиллар, тарихий-фалсафий меросимиз, замонавий ижтимоий-маънавий тамойилларга асосланиб, ёшларда толерантликни шакллантиришнинг тарихий-фалсафий масалаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш давримизнинг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади.

Мамлакатимиз Президенти ҳам ушбу масалага катта эътибор бериб, "халқимизнинг асл табиатида бўлган, юртдошларимизга хос меҳр-оқибатлилик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, шафқат ва мурувват каби буюк хусусият ва фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни янги авлод, фарзандларимиз онгига сингдириш бугунги ва эртанги кунимизни янада чароғон этишда энг катта мезон ва омил бўлишини англаб олишимизга ишонаман. Бизнинг мақсадимиз – дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб яшаш. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбиялашимиз"¹ – деб ёзган эди. Ўзбекистон тарихида маърифатпарварларнинг бой ва сермазмун меросларида билим ва маърифатнинг шахс ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларидаги улкан аҳамияти, ижтимоий адолат ва фаровонликни ўрнатиш, зўравонлик ва куч ишлатишни бартараф этиш, баркамол инсонни вояга етказиш, таълим ва тарбия жараёнини мукамаллаштириш зарурати муаммоларини кўтариб, уларни

¹Каримов И.А. Халқсизлик ва тиғчилик учун курашмоқ керак – Т. Асарлар 10 Ўзбекистон, 2002 – 6175-176

ёшларда толерантликни шакллантириш гоёлари билан чамбарчас боғлаб кетдилар.

Жадидчилик янги замонавий мактаб, демократик тараққиётнинг илғор усул ва йўлларини ёқлаб чиққан, маърифат, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан борган кенг ижтимоий-маърифий ҳаракат бўлиб, уларнинг вакиллари (Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий) ёшларда толерантликни шакллантириш муаммоларига янгича ёндашган, унинг чуқур ижтимоий мазмун-моҳиятини, бўлажак ижтимоий-маънавий ислохотлар билан узвий боғланганликларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Бу уларнинг миллий-озодлик гоёларини илғари суришда миллий ўзлигини англаш, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш, мутаассибликка қарши чиқиш, диний-дунёвийлик, маърифат, ижтимоий ислохотчилик масалаларини ишлаб чиқиш, жаҳон цивилизациясига кириб бориш, ёшларни янгича тарбия қилиш, уларга замонавий таълим бериш лозимлигини таъкидлашда ўз ифодасини топди.

1 БОБ. ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ

Ҳар бир халқ турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, демократияга ўзига хос тарзда ёндашади. Шу маънода, Президент И.А.Каримов: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан кочириб бўлмайди. Яъни шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар гоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»², деганида демократияни жорий этишнинг умуминсоний тамойилларига таянган ҳолда юртимизда мустақкам асосларга эга бўлган мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш заруратини кун тартибига қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов асарларида изчил равишда ишлаб чиқилган халқимиз миллий мафқурасининг тўлиқ тавсифига асосланиб, ёшларда толерантликни шакллантириш билан уларни ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан юксалтиришда муҳим бўлган бир катор хулосаларни қайд этмоқчимиз.

Миллий гоя нуктаи назаридан қараганда, ёшларда маънавий-ахлоқий феномен сифатида толерантликнинг шаклланиши қуйидаги икки жиҳатда намоён бўлади.

Масаланинг биринчи жиҳати Президент И.А.Каримовнинг миллий мафкура тўғрисидаги муҳим концептуал-методологик хулосасида кўринади. Унга кўра, миллий мафкура «Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажигини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуг аждодларимиз бокни меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва ана шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган гоя бўлиши керак»³.

Мазкур хулоса ёшларни толерантлик асосида ижтимоий-фалсафий юксалтириш заруратининг мафкуравий негизи бўлиб

хизмат қилади, чунки бу, бир томондан, миллий, ахлоқий қадриятларни, иккинчи томондан – умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларни тўғри қабул қилишга, маънавий-ахлоқий камолотга етиш жараёнида уларни уйғун ҳолда қўшиб олиб боришга ёрдам беради.

1.1. Ёшлар толерантлиги муаммосини тарихий-фалсафий тадқиқ этишнинг назарий-услубий масалалари

Ҳозирги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий воқелик ҳаётга янгича тамойиллар, меъёрлар билан ёндашувни тақозо этмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда “жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт»⁴. Халқнинг етук миллий онг, юксак маънавиятга эришиши ҳар қандай тараққиётнинг бош мақсадларидандир. Инсониятнинг тарихий тараққиёти бу ҳақиқатни ҳар қадамда исботлаб келмоқда. Ўзбек халқининг юксак маънавияти ўта вазминлик, сабр-тоқатлилик, инсонпарварлик фазилатлари билан ўзига хос тарзда намоён бўлаяпти. Халқимиз толерантлиги Ўзбекистонда миллий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топирди. Турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳис эта бошлаб, миллий маданияти, санъати, диний муносабатлари ва эътиқодини намоён этишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистонда иш юритаётган юзга яқин миллий-маданий марказлар ва уларнинг фаолиятлари ана шундан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида гапирар экан: «Ўзбек халқи руҳининг тикланганлиги, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсоний-лик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умуминсоний руҳиятга, ҳуқуқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. Т.3 8-9-б. «Ўзбекистон» 1996.

³ Каримов И.А. Жамиятнинг мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Тафаккур. № 2. – 1998. – Б. 8.

⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т.: «Ўзбекистон» 2010. – Б. 6.

мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-рухий негизни вужудга келтирди»³ - деган эди.

Миллий мустақиллик туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида аста-секин амалга оширилаётган покланиш, биринчи навбатда, маънавий ҳаёт борасида тобора ойдинроқ кўзга ташлана бошлади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий гурур туйғусини кучайтириш, уларда иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш, таълим-тарбия борасида миллий, умуминсоний, исломий анъаналар ва қадриятлардан кенг ва унумли фойдаланиш, ҳар бир фуқарони мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш ҳозирги куннинг асосий мақсадидир. Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчилиққа ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғирилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин⁴. Иймони, эътиқоди, умуман олганда, том маънодаги инсонийликни таъминловчи барча омиллар, қалбида чуқур томир отган фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади.

“Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир”. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсонпарварлик, одамларга нисбатан меҳр-оқибатда бўлиш, кишилар

тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларга ҳурмат ва эҳтиром билан қараш каби бағрикенглик гоёлари муҳим ўрин олган. Асосий Қонун давлатни ва шу давлатда яшаётган ҳар бир фуқарони ҳимоя қиладиган олий даражадаги ҳужжатдир. Унда нафақат диний бағрикенглик, балки дунёвий бағрикенглик гоёлари ўз аксини топган. Масалан, Конституциямизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”⁵ дейилган. Шу боис демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлидан бораётган давлатимизда барча соҳаларда: миллий, диний, сиёсий, мафкуравий толерантлик тамойилларга амал қилиш учун имкониятлар яратилган. Бунинг амалиётда ўз аксини топганлигини мамлакатимизда яшовчи юздан ортиқ халқ ва миллат, 16 диний конфессия вакилларининг бир-бирлари билан инोक, биродар бўлиб яшаётганлигидан ҳам кўрса бўлади. Уларнинг тинч ва осойишта истиқомат қилишларини Конституциямизнинг 18-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”⁶ деб кўрсатилиши юртимизда яшаётган кишилар орасида ҳар қандай адоватларнинг олдини олишга кафолатдир. Асосий қомусимиздаги виждон эркинлиги-ги масаласига бағишланган 31-модда ҳам муҳим аҳамиятга эга. «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйил-майди»⁷ деган жумлалар демократик ҳуқуқий, инсонпарвар дунёвий жамиятга хосдир. Унда диний бағрикенглик, инсонни у ёки бу динни танлашдаги ҳуқуқи, эрки ва эътиқод эркинлиги белгилаб берилган.

Умуман олганда “толерантлик” сўзининг лугавий маъносига тўхталадиган бўлсак, у қуйидагича изоҳланади. Толерантлик — атамаси лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, икки хил маънода ишлатилади: биринчи, ўзгалар турмуш тарзига, хатти-ҳаракати, урф-одатларига, ҳис-туйғуларига нисбатан чидамлилиқ. Иккинчи, ноқулай эмоционал омилларга нисбатан чидамлилиқ. “Толерантлик”

³ Каримов И.А. Халфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида Т 6 - Т “Ўзбекистон”, 1998 - Б 529

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият - сиғилмас куч - Т Маънавият 2008 - Б 4

⁵ Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш - устувор вазифамиздир. Т 15. - Т: “Ўзбекистон” 2007 - Б 96

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т Ўзбекистон, 2010 4-бет

⁷ Уш 3-модда 6-бет

Уш 3-модда 8-бет

кадам қўйган Ўзбекистон олдида истиклол мафкурасини яратиш унинг олийжаноб гоёларини, жумладан толерантлик гоёларини ҳаётга жорий этишдек муҳим вазифани илгари сурди. Президентимиз ўз асарларида бағрикенглик гоёсининг ўзига хос хусусиятларини илмий ва назарий жиҳатларини чуқур асослаб берди:

- Бағрикенглик гоёсини яратилишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тамойиллар асос қилиб олинган. Шунинг учун толерантликнинг мазмун – моҳияти, мақсад ва вазифалари Асосий Қонунга тўла мос ва мувофиқ келади;

- Истиклол мафкурасида синфийлик, яккапартиявийлик мафкурасига хос бўлган ҳукмронлик, зўравонликдан асар ҳам йўқ;

- Бағрикенглик – жами дунёвий неъматлар орасида энг улуг мукаддаси инсондир, деган қоидага асосланган. Унинг туб мақсади инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини мукаддас деб билиш ва ҳимоя қилишдан иборат;

- Бағрикенглик тамойилларида жамиятимиздаги барча кучлар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, аҳолининг турли қатламлари, сиёсий партияларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари манфаатлари ўз нфодасини топган;

- Толерантликнинг моҳиятини очиб беришда фикрлар хилма-хиллигига асосланганлигидадир.

Толерантлик мафкура, ахлоқ, дин ва бошқа ижтимоий оғашакллари билан уйғунликда мавжуд бўлади. Толерантлик – инсонлар ўртасидаги мулоқатда, уларнинг қандай бўлса, шундай қабул қилиш тушунчасидир²⁴. Аммо ана шу онг шакллари, аҳолининг турли табақалари, хусусан ёш жиҳатдан фарқланувчи қисмларида ўзига хос тарзда намоён бўлиши тадқиқотларимиз натижаларига кўра ойдинлашди. Миллатнинг яқдиллиги кўп жиҳатларда аҳолининг турли табақалари ўртасидаги мувофиқлик даражаси билан боғлиқдир.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган янгидан-янги ижтимоий сиёсий, маънавий соҳалардаги туб ўзгаришлар ва глобал муаммолар ҳам кескин ривожланаётган бир пайтда Ўзбекистонда кенг ва широк томонлама ижтимоий-сиёсий ва маънавий ислохотларнинг амалга оширилиши – буларнинг барчасида, асосий масалалар қаторида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш таълим тараққиёти бағрикенглик муаммолари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

²⁴ Марквард Арутюн Ардашев. Психологическое сопровождение развития толерантности в межличностных взаимодействиях военнослужащих по призыву. Дис. канд. пед. наук. – Астрахань, 2010. – С. 15.

нинг президентимиз асарларида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар орқали юқорида таҳлил қилинди.

1.2. Ўзбекистонда XIX аср охири – XX аср бошларида маърифатпарварлик ривожини асосий бокичларининг тарихий-фалсафий таҳлили

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида сиёсий, маданий, иқтисодий жиҳатдан инкироз ҳолатига тушиб қолган мустамлака туфайли ривожланиш паст даражада бўлган ўлкада Туркистон эиёлилари Россия империясининг мустамлакачилик зулмидан қутулиш, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш чораларини кўрди. Бу борада жадидчилик ҳаракати катта роль ўйнади. Жадидчилик рус мустамлакачилигига қарши миллий демократик ҳаракат бўлиб, у ўша давр Туркистондаги қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, пировардида миллий мустақиллик гоёларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган эди. Туркистонда жадидчилик гоёлари XIX асрнинг 90-йилларидан ёйила бошлади. Бу ҳаракат XX асрнинг 30-йиллари охириларигача ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Жадидчилик Россияга қарам бўлган мусулмон халқлари орасида дастлаб Кримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни чуқур эгаллаган Исмоилбек Гаспралли (1851–1914) бўлди. Исмоилбек Гаспралли 1884 йилда жадид мактаби ташкил этиб, 40 кунда 12 боланинг саводини чиқаради. Унинг ўқитиш усули «усули савтия», яъни «янги усул» номи билан шуҳрат қозонди. «Жадид»²⁵ арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони билдиради. Исмоилбек гоёларини қабул қилган янгилик тарафдорлари «жадидлар», унинг гоёлари эса «жадидчилик» номини олди. Исмоилбек Гаспралли дарслик яратади, ўзининг «Таржимон»²⁶ (1883–1914) газетасини ташкил этиб, жадидчиликни туркий халқлар орасида кенг тарғиб қилади. Бу газета Тошкент ва бошқа шаҳарларга ҳам тез ёйила бошлайди. И. Гаспралли 1893 йилда Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлди. Бухорода амир Абдулаҳадни жадид мактаби очишга

²⁵ Ўзбек тилининг изчил дугати. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриети. – Т. 2006. – Б. 64.

²⁶ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриети. – Т. 2006. – Б.

эканлигини Мухторият ҳукумати аъзолари билим даражасининг нақадар юкори эканидан далолат беради.

Совет даврида жадидлардан чиққан миллий зиёлилар совет органларида фаолият кўрсатдилар ва ўз фаолиятлари билан ҳаёт таълими санъатини ривожлантиришга маърифий ишларни тараққий эттиришга ҳаракат қилдилар. Жадидларнинг айрим қисми мустақил тузумнинг сиёсатига қўнқмай хорижга ўтиб кетдилар, муайян қисми эса истиклолчилар ҳаракатига қўшилиб кетдилар. Истиклолчилар ҳаракатига гоявий раҳнамолик қилиш, айниқса, совет органларида ишлаб, миллий мустақиллик гояларини тарғиб қилишдаги санъат ҳаракатлари жадидларнинг советлар томонидан 1929, 1937–1938 йилларда оммавий қирғин қилинишига олиб келди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида жадидчилик ҳаракати Туркистондаги каби XIX аср охири – XX аср бошларида шаклланган бўлса ҳам бу ҳудудлардаги тарихий шароит, ундаги жадидчилик ҳаракатига ҳам ўзига хос хусусиятлар бахш этди. Бухоро ва Хива жадидлари дастлаб амир ва хон ҳукмронлигини чеклаш, мавжуд тузум шароитида ислохотлар ўтказиб, жамият тараққиёти ва миллий мустақилликни қўллаб-қувватлаш, киритишни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, кейинчалик хон ва амир ҳақига яқка ҳукмронлиги ҳар қандай тараққиётга тўсиқ эканлигини тушуниб етдилар. Чунки 1917 йилда Хивада Асфандиёрхон рухсати билан тузилган ёш хиваликлардан иборат мажлис ва нозирлар кенгаши уларнинг таққиланиши ва Жунаидхон давридаги ёш хиваликларнинг қаттиқ таъқиб қилиниши; Бухоро амири Саид Олимхоннинг ўз қабул қилган ислохотлар ўтказиш ҳақидаги фармонини бекор қилиши ва 1918–1920 йилларда ёш бухороликларнинг қувғинга учраши шунга олиб келган. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида жадидлар ҳукумат органларида раҳбар лавозимларида ишлаб мамлакатни тараққий қилдириш ва мустақилликни сақлаб қолишга интилдилар (1920–1924 йиллар). Бироқ совет режими аввал Бухоро ва Хоразм давлатлари мавжудлигига чек қўйган бўлса, кейинчалик барча жадид намоёндаларини жисмонан маҳв қилди. Умуман олганда, XX аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракати Туркистон халқларининг маърифатпарварлик ҳаракати ҳисобланиб, миллий-озодлик, мустақиллик учун дастлаб Россия империяси, сўнгра совет мустамлакачилигига қарши курашда муҳим ўрин тутадди.

Дастлаб, Бухоро амирлигидаги маърифатпарварлик ҳаракатини таҳлил қиладиган бўлсак, у қуйидагича бўлган. Бухоро амирлигидаги жадидлар партияси (фирқаси), дастлаб *“Тарбияи афқол”* («Болалик

тарбияси») махфий жамияти шаклида тузилган. 1919–1920 йилларда *“Ёш бухороликлар”* партияси деб аталган. Унга тараққийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари вакиллари кирган. Улар бошида мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлган. Абдулвоҳид Бурхонов, Мукамил Бурхонов, Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа), Отаулла Хўжаев, Акмалжон Ҳамдий (Абусайдов), Ҳомидхўжа Меҳрий, Муса Саиджонов, Мирзо Сирож Ҳаким Ёш бухороликларнинг дастлабки ташкилотчилари эди. Кейинчалик унинг фаолиятида Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуров катта роль уйнашди.

Бухоро амирлигида жадид мактаблари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, неча-неча асрлар давомида Бухоро мусулмон оламнинг таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, илм-фан ўчоғи бўлиб келгани тарихдан маълум.

Бухоро амирлиги ҳудудида дастлабки «усули савтия» – усули жадид мактабларининг очилиши Садриддин Айний ва Мирза Абдулвоҳид Мунзим номлари билан боғлиқ. Садриддин Айний маълумотларига кўра, Бухорода татар муаллимлари очган усули жадид мактаблари мавжуд эди. Айний ва Мунзим ушбу татар мактабларидаги ўқитиш усуллари урганадилар ва ўз мактабларига татбиқ қиладилар: «Шундай қилиб, 1326 йил хижрийда шаввол ойининг ўнида (1908 йилнинг октябрида) Бухоро шаҳрининг ичида Дарбозан Саллоххона гузарида Мирза Абдулвоҳид уйида биринчи мартаба бухороликларга махсус усули жадида мактаби очдик. Бу мактабда икки ой мудлатид ўқувчиларнинг адади 12га етишди. Лекин таълим тартиби ниҳоят даражада бузуқ ва бизнинг барчамиз усул ва қавоиддан (янгича ўқитиш қоидаларидан) хабарсиз эдик. Ичимиз таълим ва ислох ўти билан ёнмоқда эди»³⁰.

Мактабдорлар Мирза Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний, Аҳмаджон Ҳамдий Бухорода фаолият кўрсатаётган татар муаллими Ҳолид Бурнашев мактабига борадилар, таълим қоидаларидан тортиб, дарсхона тартибига, ўқитиладиган илмлардан тортиб, китоб ва дарсликларига танишадилар, маълумотлар оладилар. 1908 йилда Бухорода илк бор ташкил этилган «Биродари Бухоройи шариф» хайрия ширкатининг топшириғига биноан Садриддин Айний Самар-

³⁰Раҳий Фиш, Раҳим Ҳасим Глазими совети – М. 1980 – С. 134

кандга келади ва бир неча йиллардан бери жадид мактаби очилган фаолият кўрсатаётган Абдукодир Шакурий мактаби, унинг ўқитиш усуллари билан танишади. А.Шакурий С.Айнийга усули савтия мактаблари учун Исмоилбек Гаспралининг «Хўжаи сибён»ни ўхшаган дарслик-алифбо яратишни маслаҳат беради. Ушбу усул савтия мактаблари учун китоблар-дарслик ва қўлланмалар жуда зарур эди. С.Айний А.Шакурий таклифига амал қилиб, «Биродарлар Бухоройи шариф» ширкатининг муассислигида усули жадид мактаблари учун «Таҳзиб ус-сибён» («Покиза бола») кироат дарслик (ўқиш китоби)ни яратди, китоб 1909 ва 1917 йилларда икки қатъи нашр қилинди. С.Айний ва А.Мунзим мактаби анча муваффақият қозонди, ўқувчилар сони кун сайин ортиб борди. 1909 йилнинг октябрида Бухоро тарихида биринчи марта ушбу мактаб ўқувчилардан имтиҳон олиш тантанаси бўлиб ўтди. Ёш-ёш болалар берилган матнларни бурро-бурро ўқидилар, домлаларнинг савола-рига булбулдай жавоб бердилар. Ўқувчиларнинг билимида мактабнинг тартиб-қоидаларидан имтиҳонда катнашганлар жумладан мамнун бўлдилар, маърифатли бойлар мактабни дурустроқ билиш кўчириш ҳақида фикр билдирдилар. Бухоронинг очик фикрли келажак зиёлиларидан тўксон яшарли Бўрибой афанди кўзига ёш олиб мажлис аҳлига шундай мурожаат қилди: «Мен умидворманки, бу йилгача Бухорода инқилоб воқеъ бўлур, ватан авлоди бу кундан разолат ва сафолатлардан қутулур. Эсизки, у кунни мен кўриб олмайман, сиз ёшлар, кўрарсиз. Минг катла шукурким, ишнинг бошланганини кўрдим»³¹.

Усули жадид мактабдорлари бундай тўсиқлар, таъқиб ва тазйиқлардан чўчимадилар, улар ўз фаолиятлари доирасини кенгайтириб бордилар: Тошкент, Самарқанд Фаргона водийси шаҳарларида фаолият кўрсатаётган мутафаккирлар билан алоқа боғладилар, Қристон Туркияга талабалар юбориш, ўз сафларини ўсиб келаётган билимдор ёшлар ҳисобига мустаҳкамлашга киришдилар. Бухоронинг илм-маърифат кучларини бирлаштириш учун жамият керак эди. 1909 йилда Бухорода жадидлари: Аҳмаджон Ҳамдий, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳрий, Садриддин Айний, Хожа Рофеъ, Мукаммал Бурҳонидин «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») номли яширин жамият таштис қилди. Бу жамиятнинг саъй-ҳаракати билан усули жадид мактаблари яна бирин-кетин очила бошлади. Жамият низомини

сиёсий масалалар ўз ифодасини топмаган бўлса-да, унда Бухорода амилриги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуриятига илгор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илгор ўзгаришлар ясаш кўзда тутилган эди. Жамиятнинг бирламчи масаласи Бухоро ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухоро эски мактабларини ислоҳ қилиш иши амалда бошланган бўлса-да, олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган, улар илмий, малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун «Тарбияи атфол» жамияти иқтидорли ёшларни Оренбург, Уфа, Қозон, Богчасарой, Истанбул каби шаҳарларга ўқишга юборишни биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқ истиқболи, маърифати учун жон куйдирувчи мулкдорлар ҳам, иқтисодий ёрдам берувчи зиёлилар, давлат амалдорлари ҳам топилди. Жамиятнинг катта саъй-ҳаракати натижасида унинг дастлабки йилиёқ бир гуруҳ ёшлар Истанбулга ўқишга юборилди. Садриддин Айний бу ҳақда қуйидагиларни ёзди: «Икмоли таҳсил учун Усмонхўжа Пулатхўжа ўғли (1878–1968), унинг биродарлари Атохўжа (1894–1938), Мазҳар Махзум Бурҳон Махзум ўғли, Абдурауф Фитрат, Муқимбек Истамбулга сафар қилдилар. Фитрат мазкур талабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фозили эди»³².

Бухоро жадидларининг, «Тарбияи атфол» жамиятининг ўз олдига қўйган улуг мақсадларидан яна бири ўз матбуот органига эга бўлиши эди. Туркистон жадидлари «Тараккий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Садойи Фаргона» каби катор газеталар нашр қилдилар. Улар Бухоро мутафаккирларига ҳам кучли таъсир кўрсатган эди. Жамиятнинг саъй-ҳаракати билан 1912 йил 11 мартдан тожик тилида «Бухоройи шариф», 1912 йил 14 июлдан ўзбек тилида «Турон» номли газета нашр қилина бошланди. Бу икки газета нафақат Бухорода, балки бутун Туркистон ўлкасида ҳам катта эътибор қозонди. Мактаб ва мадрасалар ислоҳоти, «усули савтия» мактабларини тарғиб-ташвиқ қилувчи ўнлаб мақолалар эълон қилинди. 1912 йил сентябрдан «Турон» газетаси муҳарририяти Истанбул дорулфунунини битириб келган Гиёс махзум Ҳусайний қўлига ўтди. Газета энди ҳафтада 3 марта мунтазам чиқиб турди. Бу икки газета маърифат аҳлига кучли таъсир кўрсатди, илм-маърифат йўлини машъал каби ёритди. Бухоронинг ҳамма гузарларида янги мактаблар қайта очила бошлади, бунга асосий сабаб шу икки газета

³¹ Айний Садриддин Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар 8 томлик, I-том – Т. 1963 – Б. 211.

Айний Садриддин Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар 8 томлик, I-том – Т. 1963 – Б. 233.

бўлди. Уларнинг муштарийлари кун сайин бутун Туркистон ўлкасида ҳам кўпайиб борган. Бу ҳол мустамлакачи маъмурларга маъқул эди, газеталарни ёпиш учун эса сабаб топа олмас эди. Бундан вазиятларда улар маҳаллий ҳукумат номидан иш кураш эдилар. 1917 йил 2 январда Бухородаги рус элчихонасидан учинчи даражада амалдор Петров имзоси билан шундай фармойиш келди: «Бухоро амираи жаноби олийнинг хоҳишлари билан ушбу кундан эътиборан «Бухоройи шариф» ва «Турон» газеталари нашри тўхтатилди»³³.

1917 йил Февраль инқилобидан кейин Бухоро амирлиги ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун бирмунча ислоҳотга розил билдиргандек ҳаракат қилди. Шу муносабат билан 1917 йил 7 апрел кунин «Арки олий»да амирнинг олий фармони эълон қилинди. Фармони олийга бағишланган катта йигинда Самарқандда бухороликларни муборакбод қилиб, Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг қарвонбошиси Маҳмудхўжа Бехбудий маъруза қилди. Эртадан кунин Бухоро жадидчилиқ ҳаракати намояндалари ислоҳотчилар камокқа олинидилар. С.Айний ва Мулла Назрулло Лутфий 75 таъжасига ҳукм қилинидилар. Мулла Назрулло Лутфий ушбу жазо туфайли ҳалок бўлди. Бу машъум воқеа муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилган ёру биродарларга С.Айний «Вакт» газетаси орқали миннатдорчилик билдирган эди: «Бухоронинг маъмури ходисалари вақтида Бухоро ҳукумати тарафидин 75 таъжаси урилиб, ўлим ҳолинда Когон ҳастахонасига келтирилиб ўрунлаштирилишум муносабати ила ҳар тарафдин таниш-билиш, дўст-ошноларим мактуб ила иъдат қилдилар. Бу мухтарам зодларнинг қайғусина хусусий жавоб ёзишга иқтидорим эришмаганлиги учун самимий ташаккурларимни арз қилурга мазкур газетангизнинг воситаси бўлуvin ўтинаман. Эҳтиром ила мударрис С.Айний. Яна Бухоро, ҳастахона»³⁴.

Жадидчилиқ ҳаракати Бухорода шиддат билан ривожланиб, ҳатто унинг сиёсий босқичга кўтарилиши Туркистон жадидларинисбатан олдинроқ кечди. Бу жараёнда айниқса, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқа маърифатпарварлар катта фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг бу ҳаракатлари ўша давр ёшлари бағрикенглик гоёларини ривожланишига катта ёрдам берди.

³³ Шарипов Р. Мухиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимлари тарихи - Т. 1. 2004 - Б. 75.
³⁴ «Вакт» газетаси, 1917 йил 10 май.

Хива хонлигида ҳам жадидлар ҳаракати, маърифатпарварлик ҳаракати сифатида ўзига хос равишда ташкил этилган. Улар ташкил қилган «Ёш хиваликлар» партияси ўз сафида миллий зиёилар, ҳунарманд, деҳқон, савдогарлар, ислом уламолари ва айрим давлат амалдорларини бирлаштирган. 1914 йил августда Ёш хиваликлар партиясига Полвонийёз ҳожи Юсупов асос солди. Жуманиёз Бобониёзов, Бобожон Ёқубов, Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликоров, Султонқори Жуманиёзов, Худойберган Девоннов, Хусайнбек девонбеги Матмуродов, Муҳаммадёрхўжа Абдуллаев партиянинг фаоллари эди. Партиянинг эълон қилинган дастурида хон ҳокимиятини, чеклайдиган ислоҳотлар ўтказиш, мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, халқни маърифатли қилиш мўлжалланган. Хива хонлигидаги 1916 йил кўзғолонида фаол қатнашган Ёш хиваликларнинг раҳбарларидан бири қознақдон Бобоохун Салимов кўзғолончилар фаолиятини яширин равишда бошқарди. 1917 йил Февраль инқилоби Ёш хиваликлар фаолиятига кучли таъсир кўрсатди, улар очик кураш йўлига ўтди. 1917 йил 5 апрелда Хива хони Афандиёрхон Ёш хиваликлар тақдим этган манифестни имзолашга мажбур бўлди. Манифестда янги усул мактаблари очилиши, мамлакатда почта, телеграф барпо этилиши зарурлиги, давлат хазинаси назорат остига олиниши, барча амалдорларнинг сайланиши ва маош билан таъминланиши, бутун аҳолининг шариат олдида тенглиги таъкидланган эди. Ислоҳотлар амалга оширилишини назорат қилиш учун 30 вакилдан иборат муваққат қўмита ташкил топди. 8 апрелда мамлакатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурида мажлис (раис Бобоохун Салимов) ва Нозирлар Кенгаши (раис Хусайнбек девонбеги Матмуродов) тузилди. П.Юсуповга Россия ҳукумати ва рус қўшинлари билан муносабатларни барқарорлаштириш вазифаси юклатилди. Муваққат қўмита таркибига кейинчалик яна 19 киши, шунингдек, 7 туркман киритилди. Хива хонлигида ҳокимиятни бошқарувчи ҳукмрон кучга айланди. 1917 йил майда мажлис раиси Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегация Муваққат ҳукумат вакиллари билан музокара ўтказиш учун Тошкентга жўнади. Афандиёрхон Муваққат ҳукуматининг Хивадаги вакили генерал Хўжа Мирбалалов (миллати татар) бошчилигидаги ҳарбий кучларга таяниб, июнда мажлисни тарқатиб юборди. Хон ўзига маъқул кишилардан янги таркибдаги мажлис (раис Ортиқ Охун) ва Нозирлар Кенгаши (раис Исҳоқхўжа Хўжаев)ни тайинлади, Ёш хиваликлардан шафқатсиз ўч олишга киришди. 1917 йил сентябрда Хивага полковник Зайцев

катта казак отряди билан етиб келди. 21 ноябрда Ёш хиваликлар устидан «қозиларнинг шарият суди» ўтказилди. 1917 йил ноябрда Асфандиёрхон рус казаклари ёрдамида мажлисни бутунлай тугатди. Хоннинг истибдод тузуми билан курашда мағлубиятга учраган хиваликлар мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Кейинчалик Ёш хиваликлар тактик мақсадларни кўзлаб, большевиклар билан яқинлашди. Тўртқўлдаги Ёш хиваликлардан бир гуруҳ инқилобчилар билан ажралиб, 1919 йил бошида коммунистик гуруҳ (фракция) тузганлигини эълон қилди (раис Жуманиёз Султонмуродов). Унинг янги дастури қабул қилиниб, унда демократик ислохотлар дастури баён этилди. Хива хони, туралар ва бекларга қарашли бутун мамлакатда мулкни халққа бериш, катта бойларнинг ерларини камбағалларга тақсимлаш, бепул шифохоналар ва мактаблар очиш, йўллар қўриқлар қуриш, сиёсий эркинлик, миллий тенгҳуқуқчилик, хонлар тузумини ағдариб ташлаб, демократик халқ ҳокимияти республикани барпо қилиш кўзда тутилди. Россия ва Туркистоннинг большевик раҳбарлари Хива хонлигидаги барча мухолиф кучларни жипслаштиришга зўр бериб интилди.

Муҳаммад Раҳимхон Соний ўзбек хонлари орасида биринчи бўлиб Хивада 1873 йилда литография ташкил қилди. Ул мутафаккирлар Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон. Мунир Огаҳий, Комил Хоразмий асарларини чоп эттирди. Ўлкада мавжуд улкан таржима мактабини юксак тараққиёт босқичига кўтарди. Бу авлод тарбияси ва бағрикенглик гоёларига содиқлиги масалалари катта аҳамият берди. Ферузнинг бевосита раҳнамолигида Муҳаммад Ризо Огаҳий Шарқнинг буюк мутафаккирлари Кайковуснинг «Қобуснома», Шайх Муслихиддин Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», XV асрда Ҳиротдан яшаб ижод этган ахлоқшунос олим Камолиддин Ҳусайн Восифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул вақое» каби соф фалсафага оид асарларини форс тилига ўзбек тилига таржима қилди.

Муҳаммад Раҳимхон мадрасаларга илм-маърифатли кишиларни мударрис этиб тайинлаш масаласига алоҳида эътибор берган. Вақти-вақти билан мударрислар дарсларини шахсан кузатган, улар ўзи имтиҳон қилиб турган. Бу ҳақда хоннинг замондоши, тарих ҳаттот, шоир Ходим қуйидагиларни баён қилади: «...Араб мадрасасининг охуни Юсуф Ҳожи Доғий адабиёт илми бўйи Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, Фирдавсийнинг

«Шоҳнома» асари бўйича сабоқ берганида, Феруз мазкур асарлар юзасидан савол бериб, бизни имтиҳон қилдилар. Ана шундай пайтларда бирортаминиз газал ўқишда хатоликка йўл қўйсак ёки бирорта сўзни нотўғри талаффуз этсак, Феруз бизни тўхтатиб, хатоларимизни тўғриллар, у ёки бу сўзнинг маъносини айтиб бериб, ҳеч ҳафса қилмасдан камчилигимизни йўқотишга ёрдам берарди»³⁵. Бу айни миллий бағрикенглик кўриниши ҳисобланади.

Жадид мактабларининг Хоразм хонлиги билан Бухоро амирлигида шаклланиш ва ривожланиш жараёни бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Бухоро амирлигида усули жадид мактабларининг кенг куламини тарқалишига юқори табақа – амир, қушбеги, қозикалон ва мутаассиб уламолар кескин қаршилиқ кўрсатган бўлсалар, Хива хонлигида, аксинча, бу масалада хон бошчилигидаги юқори табақа фармонбардор бўлди. пастки табақа, ҳатто маҳаллий муаллимлар анча сустлик қилди. Шунинг натижаси ўларок жадидчилик, жадид мактаблари кенг қулоч ёза олмади. Жадид мактабдорлари, усули жадид педагоглари, муаллимлари халқ орасидан етишиб чиқмади. хонлик, асосан, Қозон татарларидан, Туркиядан, Боғчасаройдан дарсликлар, турли ўқув китоблари олиш, муаллимлар жалб қилиш масаласи билан машғул бўлди. Бу йўл билангина хонлик маорифини тубдан ислоҳ қилиш мумкин эмас эди. Хива хонлигидаги мавжуд аҳволга «Таржимон» газетаси ҳам таассуф билдирди: «Боғчасаройдан олинган дарс китоблари, Қозондан чакирилан муаллимлар Хивага ярашмаюр, келишмаюр эса хивалидан муаллимлар етишдирмали ва Хивада таъълимажол алифболари вужудга келтирмали. Бунда ҳеч бир кимса зарар кўрмаз. Тошканд бўйла бир чора бўлди»³⁶.

Миллий тараққиётпарварлар гоёсининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири тарихий онгни ривожлантириш, тарихдан сабоқ олиш бўлган. Абдурауф Фитрат 1917 йилда бу ҳақда шундай ёзган эди: «Тарих миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулнинг сабабларини ўрганатургон илмдир»³⁷.

Шундай қилиб, Ўзбекистон халқларининг ижтимоий фалсафий фикрлар тарихида (XIX аср охири XX аср бошлари) ёшларда бағрикенглик муаммоларининг ўзига хос тарзда ёритилиши амалий аҳамиятга молик мерос бўлиб ундан мамлакатимизда фуқаролик ҳокимиятини қуриш жараёни ҳамда ривожлантирилиши учун ўшбу

35. Фитрат Ф. Матрасул III. Ферузнинг ва шоир қисмати. – Т. 1993. – Б. 58.

36. «Таржимон» 1913 йил. 278-сон.

37. Абдурауф Фитрат. Ташкил асарлар. V жилд. – Т. «Маънавият» 2010. – Б. 36.

мерос энг муҳим маънавий-ғоявий манбалардан бири сифатида фойдаланиш мумкин.

1.3. Жаҳидчилик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий моҳияти

Аҳолининг кам даражадаги қисмини мактаб ва мадраса ўқиётганидан ташвишланган журнал идораси "Ойна" журнали "Туркистонликларга хитоб" сарлавҳаси остида қуйидаги муромани эълон қилган: "Эй, мусулмонлар, биродарлар! Биз чалишмоқ вақти етмадими? Бу қадар жаҳолатга ботганимизми?.. Энди мозийимиз ила истиқболимизни ўйламоқ керак. Туркистонликлар қадар орқада қолган ҳеч бир миллат қолмади. Африқа ваҳшийлари-да биздан илгаридурлар. Биз бошқа миллатдан ибрат олайлук-да, ўзимизни эркимизни билмоқчи илгиритайлик. Миллатимиз эҳтиёжини ва миллат ишларини тўғри қилмоқга ҳаракат эдалим. Ватан ишларимизни ҳар турли ёрдам бўлиналим. Жаҳолат ва сафолатдин миллатимизни қутқармоқга ҳаракат эдалим. Мактаб – мадраса очмакга, жамият ва ширкатлик тижорат хоналари таъсис этмоқга ҳаракат эталим. Русия, Оврупа, Миср, Истамбулга талаба юбормоқ керакдур. Эй, туркистонли мусулмон биродарлар! Қўзингизни очинг, мажалла ва жаридаларга қўйинг, дунёни билинг, жаҳолат ичинда гарқ ўлмиш ўлан ватандош миллатдошларимизни қутқармоқ керакдур"⁹¹.

Тараққийпарвар жадидлар ўз халқининг бой маданий меросини пухта ўзлаштиришдан ташқари, дунё бўйлаб саёҳат қилиш, ривожланган мамлакатларининг санъат ва маданиятда эришган ютуқларини кўриб, Туркистон жаҳон тараққиётидан жуда қолганини яхши тушунишган. Ривожланган давлатлар аҳолиси аксарияти гайридинлар бўлиб, улар яратган янгиликларни қабул қилиш учун бошқа динни тушина олиш, мусулмон бўлмаган халқлар маданияти, фан ютуқларини тан олиш, бошқача қилиб айтиш багрикенглик гоёсини чуқур билиш ва унга амал қилиш зарур қилинарди. Шунинг учун жадидлар бу гоёнинг чинакам тараққийчилари бўлишган, уларнинг жамиятни янгилаш назариясида Европача яқинлашиш, унинг илгор ютуқларини ўзлаштириш масаласи асосий ўрин тутар эди. Шунинг учун исломнинг тараққиётга муносабати аҳолига тушунтириш лозим бўлиб, шундан келиб чиқиб, жадидлар

⁹¹ Ойна (1914-1915). Нашрга тайёрловчилар: Навои Норкулов, Камолалдин Раббимов. – Т. "Академия" – Б. 70-71.

асарлари орқали бағрикенглик гоёсини илгари сурдилар. Абдурауф Фитратнинг «Ҳинд сайёҳининг баёноти» ва «Мунозара» асарларида Куръонни чуқур биладиган икки ажнабий образи орқали муаллиф Туркистон ва Бухородаги ўқитиш тизими, давлат бошқаруви ва ҳарбий соҳадаги ишлар аҳволига баҳо берилади. Бунда унинг тараккиёт ҳақидаги қарашлари бир европалик ва бир мусулмон тилидан баён этилади. Асарда Франция фукароси шундай дейди: «Биз Куръон ва Ҳадисларингиздан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланимизга ўргандик. Унинг амрларини амалга оширдик ва тараккиётга эришдик. Ва сизлар гафлатда қолиб, Куръоннинг саодатли ҳукмларидан баҳра ололмай, таназзул тубига қўлнингиз»⁹². Бу билан Фитрат европалик тараккийпарвар исломга бўлган муносабатда бўлгани каби, мусулмонлар ҳам бошқа динларни ҳурмат қилиши зарурлигини таъкидлайди.

Юртимиздаги фалсафий, ижтимоий-сиёсий фикрларнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган, жадидлар дунёқараши шаклланишига таъсир кўрсата олган мутафаккир Аҳмад Дониш ҳам ўз асарларида бағрикенглик гоёсини тарғиб қилиб келган. Бу инсоннинг уч маротаба элчилар таркибида Петербургга борганлиги, Россиядаги илм-фан тараккиёти, ободончилик ва бунёдкорлик ишларини ўз кўзи билан куриши — диний бағрикенглик гоёсининг унинг дунёқарашидан муҳим урин эгаллашига сабаб бўлди. Аҳмад Дониш ўзининг «Фарзандларга васият: касб ва хунарнинг фойдалари тўғрисида» деб аталган асарида: «Ғайри динлардан яҳудийлар, насронийлар ва юшқаларнинг дин ва миллатларини таҳқирлаб гапирманглар, иккилар олдида ақл тарозисига сиғмаган сўзларни гапирсанглар, нижолатда қоласизлар»⁹³, — деб насиҳат қилади.

Атоқли олим Иброҳим Мўминовнинг «Ўзбекистон тарихий — фалсафий тафаккури тарихидан» асарида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган маърифатпарвар оқим вакиллари ва жадидларнинг илмий меросини ёритиб берилган. Иброҳим Мўминов биринчи бўлиб XIX асрнинг охири ва XX асрнинг боши мустамлакачилик даврини фалсафий таҳлил асосида ўрганди ҳамда шу билан бирга Ўрта Осиё халқларининг мустақил фалсафий тарихига эга эканлигини исботлаб берди.

Олим ўзининг асарида Аҳмад Донишнинг бағрикенгликка оид қарашларини чуқур очиб берган. Аҳмад Донишнинг «Ин рисолаист

⁹² Фитрат. Таълиқлар асарлар. I ҷилд. — Т. Маънавият, 2000. 49-бет.
⁹³ Аҳмад Дониш. «Наводир — ул вақос» — Т. Фан, 1964. 39-бет.

III БОБ. ЖАДИДЧИЛИКДА ЁШЛАР ТОЛЕРАНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маърифатчилик ёки маърифатпарварлик шарқда Шарқ даврида диний ақидачиликка қарши дунёвийликни динийлик боғланишни илгари сурган ғоявий оқим сифатида пайдо Европада эса феодализмдан капитализмга ўтиш даврида келаётган буржуазия ва халқ оммасининг феодал тартиблар муносабатларига қарши кураши заминидан капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши даврига хос муайян манфаатлар боғлиқ феодализмга қарши ғоявий-маданий ҳаракатга айланади.

Умуман олганда, маърифатпарварлик қайси даврда бўлиши ёки шаклланишидан қатъий назар у инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишига ҳисса қўшиб келган. Маърифатпарварликнинг диққат марказида бўлган бағрикенглик, яъни толерантлик тушунчаси у ёки бу даражада ўрганилган.

Ахлоқий нуктаи назардан, толерантлик ҳақиқатан фуқароларни олий ахлоқий қонун орқали бирлаштирувчи муҳим умумий нарсани тушунишдир. Бундай тушунишга инсон ақли қўришилади. Модомики, ахлоқий қонун худо иродасининг кўриниши экан, гап – барча назарий, илоҳий ва бошқа фарқлар қатъий назар – турли динларга эътиқод қилувчиларнинг маънавий бирлиги ҳақида боради.

Бундан толерантликнинг ривожланиш мантигини тушунишда муҳим бўлган қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

– ахлоқий муроса ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётининг олдинги босқичига қараганда кенгрок ва чуқуррок маъно касб-ишлари ижтимоий ҳаётнинг, жумладан давлатнинг мавжудлиги учун зарур бўлади. Аммо давлат бундай муросанинг оддийгина акси эмас, муросага таянса-да, уни толерантлик феноменини яратиб, фаолиятнинг ўзгача мантиғига хос бўлган бошқа томонга ўтказиб беради.

– ахлоқий муросага ўзаро муносабатда бўлган томонлар байиши ва ривожланишининг муҳимлигини тан олиш билан балки фарқларнинг мавжуд эмаслиги ва уларни сўндириб қўйиш намоён этиш орқали эришилади;

– ахлоқий муроса қатъий чегараларга эга бўлиб, одам табиъати маълум даражада тушунишни такозо этади ва энг аввало, инсонга ахлоқий мавжудот сифатида қаралади.

Маърифатпарварлар, айниқса, таълим-тарбия масалаларига ахлоқий эътибор беришиб, шахсга эрк бериш, уни феодал ахлоқий ва маънавий ақидалардан халос қилишни таъкидлаб, шахсни гуманистик таълим бериш билан чекланмай, дунёвий таълим-тарбия беришни ҳам амалга оширишди.

3.1. Жадидалик ижодида ёшларнинг маънавий-ахлоқий камол топиши ҳақидаги ғояларда толерантлик масалалари

Ўрта Осиёда, хусусан, Туркистонда маърифатпарварлик ғоявий ҳаракат сифатида XIX асрнинг иккинчи яримида маълум сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий-маданий соҳаларда юз берган ўзгаришлар заминида юзага келди⁹⁹. Ўрта Осиё маърифатпарварлиги Туркистон маърифатпарварлиги феодал тартибларини ўзгартириш, маданий қайта қурилишга бўлган интилиш билан бирга, маълум даражада Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши чоризмнинг маҳаллий аҳолига ўтказётган жабр-зулм эксплуатациясидан норозилик ҳақидаги ғояларни ифодаловчи оқим сифатида ҳам пайдо бўлади. Шу ҳақидадан бу маърифатпарварлик ўзига хос мафкуравий характерга эга эди.

Туркистон маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи босқичда феодал тузум тартибларини танқид қилиш, маданий янгиликларни, Европа тилларини ўрганиш ва эгаллаш, янги илм-фан ва техникани тарғиб қилиш каби масалалар илгари сурилади. Иккинчи босқичда айтиб ўтганимиздек, бу босқичда, айниқса, маърифатпарварнинг юзага келишида Аҳмад Дониш, Комил Қоразий, Сатторхон ва Исоқхонлар, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар Завқийлар ҳам катта роль ўйнади. Улар бу ҳаракатларнинг янги намоёндалари сифатида халқнинг реал ҳаётини, унинг адолат, ҳақиқат, илм-маърифат ҳақидаги орзу умидларининг ўз йўллари фаолиятларида ифода этиб, халқнинг жабр-зулмдан қутилиши, унинг ахт-саодатга эришуви илм-фанни ва маданиятни эгаллашда, деб қарашди. Шу сабабли улар халқнинг жаҳолатдан қутилишга, бунинг учун илм-фанни ва ҳунарларни ўрганиш ва эгаллашга, маърифатли ва маданиятли ҳамда ўқимишли бўлишга чақирди. Улар фақат ўз балки илм-фани ва маданиятини эгаллаш билан чекланмай, бошқа

халқлар, хусусан, Европа ва рус халқи эришган ютуқларни, техникани, маданиятни ҳам эгаллашга, ўрганишга асосида жаҳолат ва бидъат уйқусини тарк этишга чорладилар. Бу учун бошқаларнинг тилини билишнинг, ўрганишнинг зарурийлиги кўп тилларни билиш эса дунёвий илмлардан, фан-техникадан, ютуқларидан баҳраманд бўлиш имкониятини беришини уқитдилар. Демак, улар ёшларнинг маънавий-ахлоқий камол топишига асосан билан бирга уларда бағрикенглик гоёларини ривожлантиришга эътибор берганини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, биринчи босқич маърифатпарварлик асосан, халқни янги маданият, янги маърифатга чақириш, ҷомил миллатни, халқни жаҳолат уйқусидан уйғонишга, янги бўлаётган маданият ва маънавиятни эгаллашга йўналтирилган. Маърифатпарварлик ўзининг биринчи босқичида аста-секин ривожланиб бориш асосида ундан жадидчилик ўсиб чиқди. Жадидчилик бу маърифатпарварликнинг ривожланган, таълим этган иккинчи босқичи эди.

Маърифатчилик асосан уч соҳа орқали тезкор тарзда таълим топиб борди. Булар – маориф (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), санъат (бадий адабиёт, театр) ва маънавият. Пировард мақсад миллатни, бир томондан, илмли-маърифатли қилиб бўлса, иккинчи томондан, унинг маънавий-ахлоқий даражасини юксалтириш ва ана шу икки жиҳатнинг уйғунлашуви натижасида ўзлигини, ўз қадрини англаган билимли шахсни вояга етказиш. Туркистон маърифатчилари томонидан ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида катта ишлар қилинди.

Толерантликнинг жадидлар томонидан бундай шарҳи уларнинг бу муаммога концептуал амалий масала сифатида ёндашуви, ўша давр ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари билан алоқадорлиги жиҳатидан ажралиб туради. Бу эса ҳозирги даврда таълим ниҳоятда долзарблигини белгилайди.

Ана шундай маърифатпарварлардан бири, Бехбудовнинг маърифатпарварлик дастури қуйидаги масалалардан иборат:

- Болаларни мусулмон, усули жадид, рус-тузем мактаблари, гимназияларда ўқитиш.

- Эски мадраса, мазорун масжид ва мактабларнинг "иш-реҳт"ларини таъмирлаш.

Шарк мамлакатлари ва Ички Русиядаги
- Болаларни тарбиялаш ва дорилсаноатларга ўқишга юбориш.

Болаларни Русия ҳукумати мактабларида ўқитиш; бунинг учун ҳар бир болани икки йил давомида русчага ўқитиш ва тарбия қилиш; бу икки йил учун туланажак 600 сўм миқдоридagi пулни тўй-
- Болаларни тарбия қиладиган пансионлар очиш; бу тарбияхоналарнинг замонавий, миллий ва диний руҳда бўлишига

Болаларни тарбиялаш учун "Нашри маориф", ёхуд "Жамияти хайрия", ё
"Жамияти атфол" сингари жамиятлар очиш.

Бу жамиятлар ёрдамида ва тегишли юқори малакали ўқув

мактабларида ўқитиш орқали ҳуқуқшунос, инженер, муҳандис сингари мутахассислар билан бирга "замона мактабдори", миллат ҳомийси ва ақдоими, "Давлат Думасига" депутат, миллий саноатимизни ислоҳ эта билувчи, техник, тижорат ва банкларда ишлай оладиган, шаҳар мактабларида, ва умуман, Туркистонда очилажак идораларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашдир.

"Ҳозирги мўсафидларимиз турсун, ўрта ёшлар яқинда ўлиб кетар, замона ҳар кун и янгилашур. Янги илм ва янги фикрлик ва бунуни замонияни дарбар қилган одамларни талаб қилур. Бу кундан бошлаб ҳар шаҳардан ҳар сана ўн-йигирмалаб ҳукумат мактаб-ларинда бола берилса, ўн беш сана сўнгра ҳар шаҳарда 4-5 замона адами пайдо бўлур ва саноатларинда кириб, бизларга манфаат тқурур. Келар замон бошқадир"¹⁰⁰.

Бехбудийнинг бу маърифатпарварлик дастури халқни бир оғона юқорига кўтариш, уни миллий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, уни ўзи эплаш ва бошқариш мумкин бўлган босқичга кўтаришни узда тутати. Шубҳасиз, бу дастур фақат маърифий йўналишнинггина мас, маърифий камолот орқали ҳур ва эркин замонларга эришишни узда тутати ва унинг йўналиши ҳам узокка – ҳуррият манзилларига яратилган.

Бехбудийнинг эътироф этишига кўра, уша пайтда икки ўзбек фаро урушиб ёки тортишиб қолса, яҳудий ёхуд ажнабий закунчининг қилига борган, боши оғриб қолса, ажнабий докторга йўлиққан.

Шунинг учун ҳам тўй, марака ва кўпкари ўрнига "аъмо-мурод-тилак-муддао" йўлида ҳаракат қилиш тарих тақозосидир.

Яна бир жадид маърифатпарварлардан бири А.Ф. хисобланиб, у ҳам бағрикенглик гоёларини ўлкамизда ёйилишига ўз хиссасини қўшди. А.Фитратнинг Истанбулга арафасида Бухоронинг маърифий-маданий ҳаётида иккита воқеа рўй берган эди. Бу воқеаларнинг биринчиси 1908 йилнинг жадидчилик ҳаракатининг отаси Исмоилбей Гаспиралининг келишидир. У Бухоро зиёлилари билан учрашиб, уларга мадраса таълимида ислохот ўтказишни маслаҳат берган. Ҳатто ҳам Бухорода биринчи усули савтия мактабини очмоқчи бўлиб, Иккинчи воқеа эса Исмоилбей Гаспиралининг рағбатлантирилган сўзларини эшитган Бухоро жадидларининг Саллоҳхона гузарига Мирзо Абдулвоҳид ҳовлисида И.Гаспирали орзу қилган мактабни очишларидир. Афсуски, ҳар қандай янгиликни кофирлик кўриниши сифатида баҳолаган уламо, кўп ўтмай, бу мактаб ёпилишига эришган.

Фитрат ўз асарини ана шу сўнгги воқеа таъсирида ёзган.

"Мунозара" бухоролик икки кишининг – бири "жадид" иккинчиси эса жадид бўлган, тўғрироғи, жадидчиликка европача тарбия кўрган кишининг суҳбати тарзида ёзилган. Бу ўртасида жадид мактаблари ва Бухородаги бир қатор ижтимоий масалалар бўйича бўлиб ўтган баҳс-мунозаралари асарнинг мазмунини белгилайди.

Жадидларнинг диққат марказларини доим эгаллаб масалалардан бири – аёллар масаласи. Фитрат кейинчалик деган махсус рисола ҳам ёзиб, аёллар масаласига оид қарашларини анчагина кенг баён қилган. Аммо бу масаланинг Фитрат иккинчи бор кўтарилиши худди шу асарда юз берди. Бухородаги аёллар масаласини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, тутган ўрни масаласини ҳам, шубҳасиз, мактаб билан ўзаро ҳолда қўйган. Шунинг учун унинг бу борадаги қарашларини бир якунга эга, деб бўлмайди.

1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин Мажидий, Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, 1904 йилда эса Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхоновлар томонидан янги "усули жадид" мактаблари ташкил этилади. 1900 йилда Бухорода Мулла Жўрабой асос қилинган мактабнинг очилиши учун амир Абдулаҳадхон дастлаб рухсат берган бўлса-да, лекин орадан уч ой ўтгандан сўнг унинг фаолияти

муаллимлари эса қувгинга учрайдилар. 1908 йили Бухорода Мирзо Абдувоҳид томонидан "Таълим ўчоғи" номли яна бир мактаб очилди. Унга ҳам дастлаб рухсат берилган бўлса-да, бир қанча ўтар-ўтмас таъқиқланиб, ўқитувчилари қамоққа олинади. Ўқитувчиларнинг қутулишга муваффақ бўлган бир қисмигина Тошкент ва Самарқандга қочиб, жон саклаб қолади. Бухоро амири Олимхон Қрим ва Туркиядан келадиган даврий нашр ва адабиётларни ўқиб, жадидчилик гоёларини илгари сурган маҳаллий матбуот фаолиятини тақиқлайди.

Дарҳақиқат, Исмоилбей Гаспирали ва унинг ҳаётбахш гоёлари мустамлака мафкураси йўлидаги гов эди. У масаланинг жиддий ва кўп қиррали эканлигини эътироф этган ҳолда, "туркий қавмлар, мусулмонлар бирлашиб, катта кучга айланишгандагина Россия империясидек қудратли ва маккор салтанат чангалидан қутулиш мумкинлиги, бунинг учун асрий жаҳолатдан, феодал ҳокимликдан қутулиб, дунёвий илмларни, замонавий фан ва техникани эгаллаб, тараккий топган миллатлар даражасига кўтарилиш лозимлиги гоёсини илгари сурди. Шу боис ҳаракатни, энг аввало, кишилар дунёқарашини, савиясини шакллантирадиган таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишдан бошлаш керак, деган қатъий қарорга келди. Натижада, мусулмон оламида янги бўлган "усули савтия тадрижия"ни жорий этишга киришди ва қутилган натижаларга эришди. Бу усулни у Кавказдагина эмас, Туркистонда, Волга бўйида ҳам жорий этишни ташвиқ қилди. Мазкур ўлкаларда унинг тарафдорлари, издошлари пайдо бўлди. Туркистонда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулқодир Шакурий, Абдулла Авлоний ва бошқалар унинг ҳаммаслаклари эдилар...

XX асрнинг бошларида Туркистон жадидлари фақат мактаб ва маориф масалалари билангина эмас, айти пайтда ҳуқуқий масалалар билан ҳам шуғулландилар. Буни ўша даврдаги тарихий шароит, мусулман Туркистон аҳолисининг ҳатто илгор қисмида ҳам ҳуқуқий ҳақ-ҳуқуқнинг йўқлиги ёки етишмаслиги тақозо этади. Шу даврда мактаб билан бирор уюшма (ташкилот) очмоқчи бўлган кишилар ҳатто бунинг учун кимдан рухсат олиш ва кимнинг номига ариза ёзиш масаласида ҳам қийналиб, мураккаб вазиятга тушиб қолдилар. Мактаб, ёки уюшма, ёхуд жамият очган кишилар эса бу мактаб, ёки уюшма, ёхуд жамиятнинг кейинги фаолиятини ташкил этишда ожизлик қилдилар. Шунинг учун ана шундай тус олганини кўрган Мунаввар қори

Абдурашидхонов 1914 йили "Садои Туркистон" газетасининг июнь сонидида "Жамиятлар қандай очилур" деган мақола бичиқшига мажбур бўлди.

"Мақтабни очуб қўя қолгон ила иш битмаслиги, балки фарқи ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъсванат гайрат ва ҳимматлар лозим эканлиги онглашилмишдир. Бунинг энг яхши чора ўларок "жамият"ни тузмишлар. Яъни расмий қонун доирасинда халқдан иона йигиб, очилмиш ва очиладиган мактаб ва дорулулумларнинг нуқсон ва эҳтиёжларни енгиллик ислоҳ қилмоқ ва адо қилмоқ усулини ижод этмишлар...

...Биноаналайх ҳозирда бизим Туркистон тараққийпарвар кўпроқ шул мактаб ва жамият атрофида айланмақдалар. Лекин мактаб, жамиятларни очмак учун қандай тадбирлар лозим? Ҳукуматдан қайси йўл ила ижозат олинур? Қандай устас програмлар ила очмак фойдали бўлур?"¹⁰¹

Мунаввар қори мазкур мақоласида, масалан, мактаб ё жамият очиш учун ишни нимадан бошлаш, мактаб ё жамиятнинг низо қандай тузиш ва кимнинг номига ариза ёзиш ҳамда бу билан киқояланмай, тегишли идораларга бир эмас, бир неча маро қатнаш лозимлигини айтган.

Демак, маънавий, айниқса ижтимоий-фалсафий мерос ўзбон халқлари маънавий ҳаётининг, ёшларнинг маънавий-ахлоқ шаклланиши ва юксалишининг самарали омилларидан ҳисобланади. Бу мерос жуда бой ва серқирра бўлиб, ижтимоий маънавий жараёнлар чоғида пайдо бўладиган аниқ мақсад эҳтиёжлар туфайли у ёки бу шаклда ўзини намоён этади. Ёшлар толерантлик жиҳатидан маънавий-ахлоқий юксалтириш муаммо ҳал этишда ижтимоий-фалсафий мерос алоҳида аҳамият этмоқда, зеро мустақиллик йилларида олиб борилган тарихий фалсафий тадқиқотлар, толерантлик муаммосининг тарихий жиҳатларини илмий ўрганиш бу мероснинг бой анъаналарга эканидан далолат бермоқда.

Ана шундай тадқиқотлар таҳлили¹⁰² ва улар асосидаги тарихий фалсафий манбаларга таяниб, ёшларимизда толерантликни шакллантиришга эътибор берилди, уларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш ижтимоий-фалсафий меросдан фойдаланиш, толерантлик муам

¹⁰¹ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Т. Маънавият, 2001. – Б. 151

¹⁰² Қодирова Э.Р., Шарипов А.Ж., Алимов В.А., Каримова Э.Г., Мадиева Ш.О. Ёшлар ижтимоий-ахлоқий юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Т. "Фалсафа ва ҳуқуқ" институти. – Б. 66-141

илмий асослаш, бу анъаналардан амалиётда фойдаланиш ва шу асосда унинг ҳозирги замондаги мавқеини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Таъкидлаш жоизки, тарихий-фалсафий мероснинг тарбиявий-ахлоқий таъсири самарадорлиги унинг миллий менталитет, миллий ёшларнинг фикрлаши билан моҳият жиҳатидан яқинлиги ва тарихий-ахлоқий боғлиқлиги, улар ривожланиши ва ўзаро таъсирининг ҳаётлиги, маънавий мероснинг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий жараёнлар жараёнига ҳар томонлама кириб борганлиги билан белгиланади. Тарихий-фалсафий меросимизда толерантлик муаммосини илмий таҳлил қилган ва ёшларнинг ижтимоий фаоллиги масалаларини тадқиқ этган олимлардан бири А. Шариповнинг таъкидлашича, «умуман ўтмишда ўтган мутафаккирларимиз меросида ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлиги муаммоларининг ёритилганлиги ва уларнинг ечими бўйича амалдорларнинг фикрларнинг таҳлилида бу тушунчаларнинг икки томонлама маънога эга эканлигини назарда тутмоқ лозим. Биринчидан, тарихий даврнинг объектив хусусияти, мутафаккирларнинг шахсий фикрларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир даврда бу муаммолар ўзгача шарҳланган ва ёритилган. Иккинчидан, буларнинг таъсири бундай гоёлар мазмуни ва ривожланиши принципларида маълум даражадаги умумийликни тақозо этар эди. Бу ҳолат, ёшлар тарбияси, жумладан, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини шакллантиришда мазкур гоёлардан комплекс равишда фойдаланиш имкониятини белгилайди»¹⁰³.

Ижтимоий-фалсафий фикр тарихида толерантлик анъаналарининг айрим жиҳатларини, хусусан толерантликнинг умумий муаммолари, ҳозирги даврдаги, жумладан мамлакатимиздаги ўрни ва мавқеини бошқа муаллифлар ҳам ўрганишган.

Маълумки, фуқароларнинг, жумладан, ёшларнинг конструктив сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятини мустаҳкам таълим салоҳияти ва ҳар томонлама билимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур вазифани бажаришда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги сиёсат, таълим тизимининг ислоҳ қилиниши катта роль ўйнайди.

Шарипов А.Д. Проблемы социальной активности и толерантности молодежи в общественно-философском контексте народов Узбекистана. Повышение социальной активности и толерантности молодежи – важный шаг к построению гражданского общества в Узбекистане. – Ташкент: Ин-т Философии и права, 2008. – С. 37–

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори¹¹⁸, Ватан озодлиги ва истиклоли учун курашларда жон фидо этган, миллат ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қурбонлари бўлган минглаб фидойи шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-иждоий меросини янада чуқур ўрганиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги “Ватан ва халқ озодлиги йилида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Фармойиши¹¹⁹, 1999 йил 22 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори¹²⁰ ва “Қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги Фармойиши¹²¹ ҳуррият, озошлик, эрк ва тараққиёт учун курашган аждоғларимиз хотирасини абадийлаштириш йўлидаги муҳим тадбирлар бўлди.

Буюк мутафаккирлар ва Ватан озодлиги курашчиларимиз жадидларнинг ҳаёти, мероси, “Ватан - саждагоҳимдир” деган ҳақиқатни мужассам сиёсий, ҳукукий таълимот ўз ибрати ва моҳияти, ҳақиқат ва истиклолимиз қадриятларига уйғун вобасталиги билан катта саноат қоявий, ҳукукий ва долзарб аҳамият касб этади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, жадидларнинг бой меросини ўрганганда шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, уларнинг ҳақиқатлари ҳаммасида – Ватан, дин, халқ ва миллат масаласи биринчи ўринда туради. Масалан, буюк ватандошимиз А.Фитрат ва М.Бехбудий фикрларига эътибор беринг: “Юртим, Туроним! Сендан айриқча меннинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ – меннинг тирикчилигимдир. Сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлмоқ. Эй туркликнинг муқаддас ўчоги! Ўлим сенинг ўлимим. Ўлимимни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга”¹²²; “Биз қисматимизни биламиз... агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимимизни хурсандчилик билан кутиб оламиз...”¹²³.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Абдурауф Фитрат тавлатиш йилини нишонлаш тўғрисида // Халқ сўзи 1996. 24 февраль.

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Фармойиши // Ўзбекистон овози 1999. 12 май.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Ватан ва халқ озодлиги йилида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида // Халқ сўзи 1999. 23 июль.

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги Фармойиши Қатагон қурбонларини кунини белгилаш тўғрисида // Халқ сўзи 2001. 2 май.

¹²² Фитрат А. Юрт қайғуси. Бир ўзбек йиғити тилидан // Ҳуррият 1917. 18 август.

¹²³ Бехбудий М. Висалнома. Танланган асарлар – Т. Маънавий. 1999. 254-6.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жадидлар
шундан илҳомланиб шундай дейди: “Миллий истиқлолимизнинг
қурашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърда “Ватан
саждагоҳимдир” деган фикрни баён қилади. Чиндан ҳам, Ватан
тушунчаси биз учун саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи
Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини
химоя этишини ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз
унинг химоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор”¹²⁴.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тобора
мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги даврда – миллий истиқлол учун
қурашган, қатагон йилларида ноҳақ қурбон бўлган зиёлиларнинг бой
миллий-иқтисодий меросини чуқур ўрганиш, жумладан, жадид
мутофаккирларнинг давлат-ҳуқуқий қарашларини тадқиқ этиш, бу
қарашдаги қимматли ғояларини халқимизга етказиш ниҳоятда долзарб
бўлиб ўйлаймиз. Жадидлар ҳаракатига ҳар қайси даврда турлича
муносабат билдирилган. Профессор А.Азизхўжаев машҳур мустабид
мутофаккирнинг иллатларини ўзининг “Давлатчилик ва маънавият” номли
асарида шундай ҳаққоний ифодалаганди: “Баъзи ҳамюртларимиз
буюк ўғлонларимиз Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир,
Абдулла Қодирий ва бошқаларни қоралаш натижасида кўплаб юқори
мансабларга эришдилар. Улар миллатпарвар, миллий ифтихорга эга
бўлган кишиларнинг номларини қанчалик кўп сотсалар, уларни собий
тўғруқ шунчалик юқори лавозимга кўтарар эди. Қизиги шундаки,
кейинроқ уларнинг ўзлари ҳам ўзларидан устароқ сотқинлар
томонидан чакувга олиниб, йўқ қилиб юборилди”¹²⁵.

Ҳуқуқшунос олим З.Исломов тўғри таъкидлаганидек, “давлат ва
ҳуқуқ муттасил ривож топиб боради. Жамият тараққиётининг ҳар бир
муҳим босқичи улар ривожининг янги поғонасидир”¹²⁶. Шу маънода,
жадидларнинг давлат-ҳуқуқий ғояларини умумлаштириш, битта
таълимга келтириш, ўрганиш, уларнинг бу борадаги қарашларини
таҳлил ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қатагон даврининг ноҳақ қурбонлари – Маҳмудхўжа Бехбудий,
Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Файзулла
Хўжаев, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа жадид зиёлиларимиз
нинг давлат-ҳуқуқий таълимотларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш –
давр талаби. Зеро, уларнинг бу борадаги қимматли меросларини

124. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 – Т. Ўзбекистон, 1996. 82-б.

125. Хўжаев А. Давлатчилик ва маънавият – Т. Шарк. 1997. 93-б.

126. Исломов З.И. Давлат ва ҳуқуқ умуминизарий масалалари // Давлат назарияси. – Т. Адолат. 2000. 13-б.

шароитда Туркистон жадидлари олдида турган асосий келажакда ўзбек халқини фожияли оқибатларига олиб мумкин бўлган руслаштириш сиёсатига қарши курашиш, ёш аҳоли миллий тил тарих ва маданиятга ҳурмат туйғусини тарбия қилиш, миллий урф-одатлар ва санъат турларини сақлаб қолиш ва келажакда амалга ошириш лозим бўлган мустақиллик ҳақида орзуларини ёшлар шуурига сингдириш эди.

XIX асрнинг сўнги йилларида Туркистонда майдонга тарихий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий вазият бу ҳудудда яшайдиган халқлар ҳаётини тубдан ўзгартириш улканнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида ислохотлар ўтказишни тақозо этди. Халқнинг илғор бўлган зиёлилар бу тарихий заруратни ўз вақтида тушуниб етди. Улар дунёқарашининг шаклланиши, мамлакатни қайси йўналишда олға етаклаш лозимлигини тушунишлари учун бундан навбатда, Исмоилбей Гаспиралининг Бокча-саройда чоп қилинган “Таржимон” газетаси, шунингдек, Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистон сингари ўлка ва мамлакатлардан келтирилган асарлар нашрлар катта рол ўйнади. Иккинчидан, татар маърифатпарварларининг Туркистонга келиб, ўзбек ҳамкасблари билан ёлғиз туриб, усули жадид мактабларини очишлари; учинчидан, истеъдодли ёшларнинг хорижга биринчи навбатда Туркияга ўқишга юборилиши, янгича фикрли кадрларнинг вужудга келиши учун зарур шароитлар тайёрлади. Тўртинчидан, Туркистонда маданият матбуотининг майдонга келиши, жадид ёзувчилари қаламига мазмун асарларнинг пайдо бўлиши жадидчилик гояларининг кенг тарқалиши оммаси орасига кириб боришига имконият яратди. Навбатда, бешинчидан, рус, татар, озарбайжон театрлари таъсирида миллий ўзбек театри тугилиб, бу гояларни бевосита сахна орқали ҳаётга етказиш иложи тугилди. Ана шу тилга олинган ҳолатлар Туркистон бағрикенглик гояларининг ривожланишида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Жамият тарбиясининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган куч — маърифатдир”¹²⁷. Дарҳақиқат, маърифат дунёни обод қилиш этишига, инсонни жаҳолат ва хурофот ботқоғидан олиб чиқишга, унинг маънавий иқтисодий муаммоларини ҳал этишга бўлган ягона ва қудратли кучдир.

¹²⁷Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамит. Т.7. – Т. Ўзбекистон, 1999. – Б. 133

«Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. -
қоракати хар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси
тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани
халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина
мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз
маънавиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак
маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган
мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт
барқарор топади»¹²⁸.

Демак, маърифатпарварлик ғоясини авлод ва асрларни бир-
бирига туташтириб турувчи ҳаётбахш куприкка қиёс қилишимизга
жўқ бор.

Бугунги кунда бағрикенглик ғоясининг ҳаётга кириб бориши
шунчаки оддий бир воқеа деб эмас, балки бутун инсониятнинг янги
эрада тирик қолиши маъносида қарамоқ керак. Ҳозирги замон
ҳаётида чеки йўқ урушлар, зиддиятлар, диний экстремизм,
терроризм, жамиятда турли хил оқим ва офатларнинг тарқалиши,
эркин дискриминация, миллий ва диний белгиларга кўра таъқиблар
ҳаётида толерантлик тушунчасини келтириб чиқарди. Охирги вақтда
толерантлик муаммоси синергизм назариясининг ичида изчил
ўрганилмоқда (Benedict R., Maslow A.)¹²⁹.

Айнан толерантлик (бағрикенглик) бугунги кунда инсоният
турмуш тарзини тартибга солувчи асосий омил сифатида давлат
тузилиши, ижтимоий тизимда, инсон ҳуқуқларининг тараққий
етишида етакчи восита бўлиб хизмат қилмоқда. Жамият аъзолари
ўртасида ўзаро ҳурмат, сабр-тоқатлилик, ҳамжихатлик, бағрикенглик
каби фазилатлар мавжуд бўлса, ўша жойда барқарорлик, тинчлик ва
тўғулжаниш бўлади. Мана шундан келиб чиққан ҳолда, ёшларда
толерантлик тушунчаларини шакллантириш таълим соҳасидаги
таълимчилардан бири ҳисобланади. Зеро, бу тушунча тарихий-
фалсафий моҳиятига кўра чидамлилиқ, ўзгаларнинг ҳаёт тарзи,
қарашлари, қадриятларига тоқат қилиш ва ҳурмат назари билан
қараб, бардошлилик, атрофдагиларни камситмаслик каби ахлоқий
қадриятларни қамраб олган.

¹²⁸ И.А. Бит ислоҳотимизни ўз қўлими билан курашимиз. Т. 7 - Т. Ўзбекистон, 1999 - Б. 135-6

¹²⁹ Ҳафтчининг конференцияси «Психологическое здоровье и безопасность личности» (Тамбов, 2002).

Бугунги кунда жамиятимизда янги маданий муносабатлар қарор топтиришда толерантликнинг ўзига хос қондаларини олиш лозим. Бундай қондаларга қуйидагилар киради:

- қандайдир гоёга инсонни қўшилишининг номақбул воқеа сифатида зўрликдан воз кечиш;

- танловнинг ихтиёрийлиги, унинг самимийлигига "виждон эркинлиги";

- бошқаларни мажбурламаган ҳолда ўзини мажбурлай Кўркув ва мажбурлаш яхлит олганда вазминликка ва бардош ташқаридан ёрдамлашмайди, балки белгиланган вақтда тарқомил сифатида кишиларни тартиб-интизомга йўллайди, шунинг маълум ахлоқни ҳам шакллантиради;

- қонун, аънава ва урф-одатларга уларни бузмаган ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирган ҳолда бўйсиниш;

- бошқани қабул қилиш. Турли хил белгилар – миллий, маданий, диний ва бошқаларга кўра фаркланадиган кишиларни қабул қилиш. Ҳар кимнинг толерантлиги жамият яхлитлиги ва тенгқўл келтириб чиқаради, ахлоқнинг олтин қондаси асосида "ўрталик"қа эришишга имкон яратади.

Таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг атрофдагилари билан ҳамкорлик қилишини таъминловчи маънавий, руҳий кечинмалар толерантлик хислатларини изоҳлайдиган фазилатдир.

Демак яна бир бор таъкидлайдиган бўлсак, бағрикенглик толерантлик – инсонда ўз-ўзидан шаклланадиган тушунча балки у узлуксиз жараён (таълимнинг барча босқичлари натижасида вужудга келадиган ижтимоий, маънавий ва ахлоқий ҳолатдир. Толерантлик гоёси турли ижтимоий омиллар таълим-тарбия жараёнида инсонга айнан шу гоёга тушунчаларнинг шакллантириб борилиши натижасида ҳосил бўлади. Ёшларда таълим-тарбия жараёнида толерантлик тушунчалар шакллантиришдан асосий мақсад, жамият аъзолари орасида барқарор ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш, тарихий-фалсафавий ахлоқий нормаларни юксалтиришдан иборат.

Ёшларда толерантликни шакллантиришга, уни изчил тарқатиб боришига режалаштирилган таълим жараёни, биринчи ўринда ёшларнинг ижтимоийлашувини ва барқамол инсон сифатида тарқатилишини кўзда тутлади. Бу эса ҳамкорлик ва мулоқот кўникмаларини узлуксиз ривожлантириш орқали шахс маънавиятини ижтимоий жиҳатдан бойитишни назарда тутлади. Албатта толера

тушунчаларини шакллантириш босқичлари оилада, таълимнинг барча
сатҳларида шаклланади. Афсуски, бугунги кунда ёшларда (18 – 25
йилларда) тушунчаларини тула шаклланган деб бўлмайди.

XX асрнинг сўнги йилларида Ғарбий Европа ва Американинг
мамлакатларида “оммавий маданият” деб ном олган
маърифий хатти-ҳаракатлар кенг тарқала бошлади ҳамда
йилларда глобаллашув жараёнининг кенгайиши муносабати
бошқа минтакаларга, шу жумладан Ўрта Осиёдаги давлатларга
кириб кела бошлади. Бадий савияси унчалик юқори бўлмаган,
музыкалар, мазмун жуда саёз қўшиқлар, ахлоққа зид
фильмларнинг оммавийлашиш жараёни авж олиб
бўлган. Бунинг оқибатида ёшларда ҳаётнинг ҳақиқий ноз-
матларидан баҳра олиш, эртанги кунимизга ишонч билан қараш,
миллий кадриятларга ҳурмат-эътибор ҳисси камайиб бориши хавфи
мўжамда. Бундай маънавий таҳдид жамиятимиз учун қанчалик
хатарли эканлиги ҳамда унга қарши қайси усул ва воситалар
қўлланиш лозимлиги Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак
маънавият – енгилмас куч” асарида алоҳида таъкидланган. Чунки
толерантликни тарбиялаш, уни шакллантириш борасида ўзимизнинг
миллий кадриятларимизни, энг муҳими ўзлимизни, миллий
қадриятимизни, миллий нфтихоримизни ҳам сақлаб қолишимиз лозим.
Чунки биз учун мутлоқо ёт бўлган, маънавий, ахлоқий тубанлик
сатҳларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб
келгани мумкинлигини унутмаслигимиз керак”¹³⁰.

Ёшларда толерантликни шакллантириш учун таълим-тарбия
жараёнида янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, уларнинг
тарихий-фалсафий билимларини юксалтириш лозим.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан ёшларда толерантликни
тарбиялаш соҳасида илмий - тадқиқот ишлари олиб борилган. Улар
асосан социологик, психологик, педагогик ва фалсафий йўналиш-
ларда. Жумладан, Э.Г.Каримова¹³¹ ўзининг илмий-тадқиқот ишида
толерантлигининг ҳудудий хусусиятлари социологик тадқиқот-
лар асосида ўрганилган ва таҳлил қилинган. Г.Р.Акрамова томонидан
толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг педагогик муаммо-
лари, таълим жараёнида олиб бориладиган воситалар, методлар

130. И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т. 2009. 17-бет.

131. Э.Г. Каримова. Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятлари соҳилология

Ўзбекистон Республикаси. Т. 2003. 23 б.

таҳлил қилинган¹³². З.Р.Қодирова, А.Ж.Шарипов, В.А.Алимов, Э.Г.Каримова, Ш.О.Мадаевлар томонидан тайёрланган ижтимоий фаоллиги толерантлигини юксалтиришнинг фалсафий масалалари¹³³ номли монографияда Ўзбекистонда ённинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтириш тарихий-фалсафий масалалари таҳлил қилиниб, Президент Имомнинг илмий-назарий ишланмалари ва концептуал-методологик кўрсатмалари асос қилиб олинган. Шунингдек, монографияда ижтимоий-маънавий кадриятларнинг миллий ва умумий жиҳатлари, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлиги ўзига хос миллий жиҳатлари ҳамда уларда ижтимоий-маданий фаоллик ва бағрикенглик маданияти тадқиқ этилади.

Юртимизда толерантлик ва унинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари, тарихий асослари ва уни таълим жараёнида шакллантириш масалаларига бағишланган анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Масалан: “Миллий истиқлол гоёси: Миллатларнинг тотувлиги ва динлараро бағрикенгликни ўқувчи ва талаба ёшларига дунёқарашини шакллантиришдаги роли” мавзuidaги республика илмий – амалий конференция¹³⁴сида жаҳон халқларининг тарихи, ирққа, миллатга ва динга мансублигидан қатъий назар яхлит муносабатларга эга бўлган инсон зотига мансуб эканлиги ҳақида хилма-хил фикрлар инсониятга хос бўлган бағрикенглик гоёси, сабр-қаноатлилиги оид миллий миллатлар, динлар ўртасида тинч-тотув яшаш мумкинлиги, унинг ижтимоий тараққиётда муҳим омил эканлиги таъкидланган.

Юқорида кўрсатилган манбаларни таҳлил қилар эканмиз, толерантлик таълим жараёнидаги тарихий-фалсафий муаммоларнинг сифатида ҳали етарлича ўрганилмаган деган хулосага келишимиз мумкин. Айниқса, ёшларда толерантликка оид фазилатларни шакллантириш ижтимоий фалсафанинг ҳозирги кундаги муҳим масаласи. Бу масалани муммоларидан биридир. Ёш авлодга бу фазилатлар энг аввало таълим жараёнида, шунингдек дарсдан ташқари олиб бориладиган тарбия воситалар ёрдамида сингдирилади ва шакллантирилади.

¹³² Акрамова Г. Бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг асослари. Пед. ф. и. дис. Афғ. Т., 2007. 26 б.

¹³³ З.Р.Қодирова, А.Ж.Шарипов, В.А.Алимов, Э.Г.Каримова, Ш.О.Мадаев. Ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. - Т. Ўзбекистон Ёзувчилар Адабиёт жамғармаси нашри. 2006. 288 б.

¹³⁴ 2006 йил 26-27 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган

Юқоридаги фикрларга асосланиб, биз, қуйидагилар таълим муассасаларида ёшларга миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бошқа фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради деб ҳисоблаймиз:

- ўқув муассасаларида халқлар ўртасидаги дўстликка йиғилган кечаларни ташкил этиш;
- турли миллат вакилларининг урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари мавзусидаги бадий кечалар ўтказиш;
- турли миллатларнинг либослари кўرғазмасини ташкил этиш;
- турли миллат вакиллари иштирокидаги бадий ҳаваскорлик тўғрисида кўрик-танловини ўтказиш;
- миллий таомлар кўрик-танловини ташкил этиш;
- ўқув юртлари ахборот ресурс марказларидатурли миллат вакиллари адабиёти ва амалий санъати кўрғазмасини ташкил этиш;
- мамлакатимизда яшаб фаолият кўрсатаётган турли миллат вакиллари: олимлар, тадбиркорлар, давлат арбоблари, ёзувчи, рассом, кўрашчи оилалар ва бошқалар билан ҳар хил учрашувлар ўтказиш;
- "миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни сиз қандай таъминласиз?" мавзусида иншолар танловини ўтказиш;
- "миллатлараро тотувлик, ҳамжамиятлик ва бағрикенглик қадимларимиз талқинида", - мавзудаги давра суҳбатини ўтказиш;

Илмий тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида ёшларда шакллантирилиши зарур бўлган толерантликнинг моҳияти очиби бериш, толерантликка оид тушунчаларни таснифлаш, уни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим жараёнининг мазмуни, шакли ва воситаларини, усул ва методларини аниқлаб олиш, ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашга оид тарихий тажрибаларни муамлаштириб, таълим жараёнида изчил фойдаланиш йўллариини белгилаш, ижтимоий толерантликни юксалтириш муаммоларининг таълимини очиби беришга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мамлакат демократик принциплар асосида ривожлантириш ва ҳар қандай муносабатда ислох қилиш йўллариини белгилаб: «...Ҳаётимизни ҳал қилувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан янгилаштириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажаги ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни

тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий миздир»¹³⁵, — деб таъкидлаган эди.

Давлат таълим соҳасидаги ислохотларнинг ҳам таълим бўлди. Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш миллий ажралмас таркибий қисми «таълим тизими ишлаши устидан ва фаолиятни тартибга солишчи, кадрлар тайёрлаш ва талабнинг кафолатидир»¹³⁶.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳатто жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ҳам ёшларнинг умумтаълим тайёргарлигини уйғунлаштирган мажбурий ўн икки йиллик кафолатланмаган. Академик лицейлар ва касб-хунар орқали амалга ошириладиган ўрта махсус, касб-хунар таълим жорий этилиши узлуксиз таълим миллий моделининг хусусиятларидан биридир.

Узлуксиз таълим мазмунини ривожлантириш ва уни этишнинг стратегик йўналишларини танлаш манбалари, тайёрлаш миллий моделини ишлаб чиқиш йўллари турли бўлиб, муайян хусусиятларга эга. Таълим ижтимоий фаолият деярли барча — сиёсий, иқтисодий, илмий, ҳарбий, ҳукукий ва — соҳалари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ. Фаолиятнинг турлари у ёки бу даражада таълимда шаклланади. Бу таълим тизимининг мамлакат ижтимоий-сиёсий тузилиши «ойнаси», иқтисодий даражасини баҳолаш мезони, жамият аъзолари ижтимоий ахлоқий юксалишининг муҳим омили эканлигидан далolat. Давлат ва жамиятнинг стратегик мақсадлари таълим мақсадлари, вазифалари, мазмуни ва уни ташкил этишда ўз аксини топади.

Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишнинг бошқарилиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш ҳам ҳам умумхалқ ишига айланганини кўрсатди. Бу жараёнда давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари, бутун аҳоли жалб этилган ва ижтимоий ва фуқаролар тотувлиги асосига эришилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бутун жамият томонидан қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Уни жорий этиш борасида қўлланилган тадбирлар республика тарихида ўхшаши бўлмаган ноёб бир бўлиб, айниқса ёшлар ўртасида таълимга бўлган талабнинг ортасида олиб келди.

¹³⁵ Қўрғини II А Барқамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Хафизлик ва тараққиёт газети Т 6 — Тошкент Ўзбекистон, 1998 — Б 324

¹³⁶ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — Тошкент, 1997 — Б 14

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ёшларни руҳида ижтимоий-ахлоқий юксалтиришга қаратилган-
ани алоҳида қайд этиш лозим. Бунга таълим соҳасидаги давлат
нинг бир қатор асосий принциплари, хусусан «таълим ва
инсонпарварлик, демократик характери», «таълим
нинг дунёвий характери» ва бошқалар¹³⁷ мисол бўла олади.

Толерантлик принциплари декларациясининг «Тарбия»¹³⁸ деб
4-моддасида тарбия тоқатсизликнинг олдини олишга
самарали восита эканлиги таъкидланган. Толерантлик
таълим тарбия одамлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун
нинг умумий ҳуқуқ ва эркинликлари нималардан иборат
лигини билишлари ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя
ишти интилишларини рағбатлантиришдан бошланади.

Толерантликни шакллантиришга қаратилган маънавий-ахлоқий
ияга таълим соҳасидаги муҳим ва кечиктириб бўлмас талаб
ида қарамок лозим. Таълим соҳасидаги сиёсат ва дастурлар
ида одамлар ўртасида ҳам, этник, ижтимоий, маданий, диний ва
гуруҳлари ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзаро тушуниш,
дамлик ва сабр-тоқатни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак.

Толерантлик принциплари декларациясининг «Ҳаракатга тайёр-
деб номланган 5-моддаси таълим, фан, маданият ва коммуни-
ция соҳасидаги муассаса ва дастурлардан фойдаланган ҳолда толе-
антлик ва куч ишлатмасликни рағбатлантиришни назарда тутди.

Президент И.А. Каримов ёш авлоднинг маънавий тарбиясида
илоҳ қилинажак таълим тизимининг катта имкониятларига баҳо
ериб, қуйидагиларни таъкидлади: «Халқ таълимининг асосий бўғи-
ни узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага
ида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат
таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъмин-
ида аввало уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига,
асак маънавият заминида қурилганига асосий эътибор бериш

139

Юкорида баён этилганлар толерантлик руҳида тарбиялаш жаҳон
моатчилиги билан бир қаторда Ўзбекистонни ҳам ташвишга солиб

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тизимидаги қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистон
нинг пойдевори - Тошкент: Шарқ, 1998 - Б. 20

2. Ўзбекистоннинг таълим тизимидаги қонуни // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам) - Т
2004 - Б. 216

3. Ўзбекистоннинг таълим тизимидаги қонуни // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт
Т 6 - Т. Ўзбекистон, 1988 - Б. 340

учинчидан, толерантлик фазилати ижтимоийлашув жараёнида ўз-ўзидан шаклланиши ҳам мумкин, чунки объектив воқеалар мавжуд шарт-шароит интолерантликнинг шаклланишига таъсир этади. Шу боис толерантлик шахснинг ижобий сифатида таълим тизимини инсонийлаштириш билан мақсадли ва кенг қўламли ишларни амалга оширишни талаб этади.

Фалсафий-ахлоқий муаммо сифатида ёшларни толерантлик асосида, ижтимоий-ахлоқий юксалтириш масаласига мурожаат айрим жиҳатларини тадқиқотимизда ҳам назарда тутганмиш авваламбор, мамлакатимизда жамиятни ислоҳ қилиш шароити толерантликни шакллантириш ёшларнинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқлиги, жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув интеграция, шунингдек, ҳозирги замонда толерантлик ва интолерантлик жараёнлари ўртасидаги кескин тўқнашувлар ёшларни толерантлик асосида ижтимоий-ахлоқий юксалтиришни мақсадли ҳисоб қилинмиш илмий асосланган ҳолда ташкил этиш ва амалга оширишни, унинг асосий йўналишлари ва принципларини белгилашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини – иқтисодий, сиёсий-ижтимоий тармоқларни – қамраб олган. Бугун Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилмоқда, бу эса таълим тизимида бўлганидан фарqli ўларок, давлат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан тамоман янгича тушунишни тақозо этади. Шу маънода, толерантлик ижтимоий фаоллик ўзаро чамбарчас боғлиқдир. «Толерантлик принципи азалдан ҳақиқатларнинг турли-туманлиги, мураккаблиги ва зиддиятлилигидан келиб чиқади»¹⁴⁴.

Маълумки, фуқароларнинг, жумладан, ёшларнинг конструктив сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятини мустаҳкам таълим салоҳияти ва ҳар томонлама билимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур вазифани бажаришда мамлакатимизда амалга ошириладиган таълим соҳасидаги сиёсат, таълим тизимининг ислоҳ қилиниши асосий роль ўйнайди. Ушбу сиёсатнинг асосий принциплари «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан асосини топди. Шу туфайли республикада таълимнинг тамоман янги тизими ташкил этилиб, такомиллашиб бормоқда. «Мамлакатимизнинг Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан яратилган

¹⁴⁴ Козырьков В. П. Интолерантно о толерантности // Молодежь XXI века: толерантность мировосприятия. – Нижний Новгород, 2001. – С. 230.

иқтисодий, фан, маданият, техника ва технологиялар соҳасида
ҳозирги замон ютуқларига асосланган узлуксиз
ўзбек модели жаҳонда глобал миқёсдаги ижтимоий
«...деб баҳоланмоқда»¹⁴⁵. Таълимнинг бу тизими ёшларимизнинг
сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданияти, уларни сиёсий ҳаётга жалб
етиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Барча олий таълим муассасаларида фуқаролик жамияти ва
демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида жаҳонда тўпланган
тажрибанинг ўрганилиши талаба-ёшларнинг республика ҳаётида
фаол ва онгли равишда иштирок этишларига кўмаклашмоқда.

Учинчи боб бўйича қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

Жамиятда ёшларнинг ўрнини методологик нуқтан назардан
баҳолаб, шуни қайд этиш лозимки, жамият ва ёшлар ўртасидаги ўзаро
муносабатга икки жиҳатдан қарамоқ лозим: биринчидан, ёшларнинг
ижтимоий муносабатларга таъсири, иккинчидан, бу муносабатлар-
нинг ёшларга таъсири. Бошқача айтганда, ёшларнинг ижтимоийла-
шуви умуман ижтимоий муносабатларга қандай таъсир этади, ва
иккинчидан, ёшлар ушбу муносабатларга қўшилиб, уларнинг таъсири
остида қай даражада ўзгаради. Масаланинг ушбу икки жиҳати
жамият ҳаётининг барча босқичларида аҳамиятли бўлиб, айниқса,
жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, ижтимоий муносабат-
ларнинг ўзгариши даврида алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ёшлар жамиятнинг ҳам мустаҳкам иқтисодий
мавқени эгалламаган ижтимоий қатламидир.

Мафкуравий қондаларнинг бирлаштирувчи хусусияти демокра-
тик жамиятдаги муносабатлар тизимида яққол намоён бўлади.

Мафкуравий кадрлар интеграцияси, яъни уларнинг меҳнат
фаолиятининг ҳар бир турида, ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир
бўлими учун тенг равишда зарурлиги, «вертикал кесимда» – инсоннинг
ёш хусусиятлари билан мос келувчи шахс ривожланишининг ҳар бир
босқичида яққол кузатилади. Таълим тизимини инсонийлаштириш ва
ижтимоийлаштириш толерантликни шакллантириш асосида ёшларни
ижтимоий-ахлоқий юксалтиришнинг муҳим омили бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохот жамият ҳаётининг барча соҳаларини – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий тармоқларни – қамраб олган.

Толерантлик принципи азалдан ҳақиқатларнинг туманлиги, мураккаблиги ва зиддиятлилигидан келиб чиқади.

Шу боис толерантликнинг тарихий-фалсафий анъаналари асосларидан ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтиришда фойдаланиш масаласига бу жараёнда кенг фойдаланиш зарур бўлган алоқадор йўналиш сифатида қарамоқ лозим.

Демак, шундай экан юқорида қайд этилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ёшларда толерантликни шакллантириш тарихий-фалсафий мерос Ўзбекистон халқларининг маънавий анъаналари ва ҳозирги замон воқелиги тизимини ташкил қилувчи толерантлик меъёрлари ва қадриятлари асосига қурилган, ёшларда толерантлик, диний бағрикенглик руҳини шакллантириш ҳаёти учун уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади. Демократик жамиятда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда иштирок этиши учун ҳар томонлама ривожланиш сиёсий билим, демократик жамиятдаги қадриятлар ва қондаларига йўналганлик, турли-туман сиёсий вазифаларни бажариш учун бу қондаларни ўзлаштириш, юқори даражадаги маънавий-ахлоқий етуклик ва масъулият талаб этилади.

ХУЛОСА

Ҳар қандай муаммо каби толерантлик муаммоси ҳам инсонларнинг маълум тажрибаси негизида етила бориб, муаммонинг пайдо бўлиши ва шу муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган мазкур серқирра тажрибага нисбатан муайян қизиқиш таъсиридагина шарт-шароит ва принцип хусусиятларига эга бўла бошлайди.

Халқимизнинг маънавий-тарихий анъаналарининг ҳозирги замон воқелигини шакллантиришдаги ролини кўрсатиш зарурати толерантликнинг ижтимоий-ахлоқий жараёндаги роли, миллий хусусиятлар ва умуминсоний кадриятлар билан қай даражада боғлиқлигини кўрсатиш муаммонинг муҳим назарий-методологик жиҳатларидан бири ҳисобланади.

«Толерантлик» тушунчаси унинг мавжуд воқелик билан моқаддорлиги аниқлангандагина сермаҳсул бўлади. Ўзбекистонда ижтимоий онг ва инсон маънавий дунёсининг шаклланишида толерантлик муаммосининг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлиги ҳақида мамлакатимиздаги туб ўзгаришларни тадқиқ этган, уларни ижтимоий тараққиётнинг турли йўналишлари билан қиёслаган ҳолда хулоса чиқариш мумкин¹⁴⁶.

Муаммога ёндашишнинг бундай жиҳатлари ҳозирги кунда Ўзбекистонлик ва хорижлик олимларнинг кўплаб тадқиқотлари билан тасдиқланмоқда. Биз бундай интеллектуал тажрибани инобатга олиб, толерантлик муаммосини назарий жиҳатдан расмийлаштиришга кўмаклашувчи ҳақиқий принципларни ажратиб кўрсатиш учун методологик жиҳатдан уриндик. Умумлашган ҳолда бу жиҳатлар дунёнинг глобаллашуви ва ҳаётни сақлаб қолиш зарурати, ҳозирги замонда демократик кадриятлар сифатида намоён бўлади.

Бундай методологик принцип таниқли ўзбек олими К. Н. Назаровнинг куйидаги хулосасида умумлашган ҳолда акс этган: «Миллий анъаналарга изчиллик билан мурожаат қилиш, уларни демократик нуқтаи назардан такомиллаштириб бориш миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган талоқотларда ижобий самара бермоқда. Жамиятимизнинг ижтимоий маданияти замонавий кадриятлар ва демократия принципларини

инсонлар онгига етказиш, уларни идрок этиш ва тушунишга ёр
берувчи ўзига хос «усул» сифатида намоён бўлмокда»¹⁴⁷.

Юқорида баён этилганлар, барча миллат вакиллари
ринвожланиши учун тенг шароит ва имконият яратиш, миллатла
муносабатларни уйғунлаштириш Ўзбекистон Республикаси Прези
денти И.А.Каримов ва мамлакат ҳукумати томонидан
борилаётган миллий сиёсатнинг устувор йўналиши эканини
далолат беради.

Жадид мутафаккирлари ўз даврида инсон ҳуқуқлари
эркинликлари, уларни таъминлаш ҳақида қимматли то
қолдирганлар. Уларнинг ниҳоятда бой ва серқирра толера
тўғрисида қолдирган илмий меросидан фойдаланиб, бағрикен
алоҳида одамлар ўртасида, маҳаллаларда, оила ва жамоадаги
муносабатларда шакллантириш зарурдир. Мактабларда ва униве
тетларда, норасмий таълим йўли билан уйда ва иш жойла
бағрикенглик руҳини мустаҳкамлаш ва кишилар ўртасида бир-би
очиклик, эътибор ва бирдамлик муносабатларини шаклланти
лозим. Шунингдек, жадидларнинг илмий меросидан бағрикенгли
ёшларда шакллантириш мақсадида шу соҳада илмий излани
олиб бориш, халқаро ҳамжамиятнинг фаолиятини мувофиқла
рувчи ахборот тизимини ташкил қилиш, ижтимоий фанлар ёрда
бу ҳолатларнинг асосий сабабларини таҳлил этиш, самарали чор
қўллаш, шунингдек, давлатнинг сиёсий қарорлар чиқаришига
норматив фаолиятига кўмаклашадиган илмий тадқиқотлар
мониторингни амалга ошириш зарурдир.

Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор, уларни бағрикен
руҳида тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган зарур вазифа сиф
қаралмокда. Таълим соҳасидаги сиёсат ва дастурлар алоҳида одам
этник, ижтимоий, маданий, диний ва тил жиҳатидан ало
гуруҳлар, шунингдек, миллатлар ўртасида ўзаро тушуни
яхшилашга, ўзаро ҳамжиҳатликни ва бағрикенгликни мустаҳ
лашга ёрдам бериши лозим. Жадид мутафаккирларининг инсон
ҳақ-ҳуқуқлари, шахснинг ҳаёти, соғлиги, виждон эркинлиги,
қиммати каби умуминсоний қадриятлар борасида қолди
билимлари, гоялари, ҳозирги даврда қудратли демократик
қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда ёрдам

¹⁴⁷ Назаров К. Н. Межнациональное согласие как фактор демократизации общества // Қудратли
ҳамжиҳатликда Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2007 йил 31 март) — Ў
қуқуқ институти. 2007 — Б. 12–15

гоҳи баъдидиниятлик гоҳларини шакллантиришда бой маънавий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш бошқаларга нисбатан қўқув ва ётсираш ҳиссини уйғотадиган таъсирларга қарши йўналтирилмоғи лозим. У ёшларни мустақил фикрлаш, танкидий мулоҳаза юритишга ўргатиш, уларда ахлоқий кадриятларга асосланган қарашларни шакллантиришга кўмаклашиши лозим.

3. Валитова Р.Р. Толерантность как этическая проблема. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. М., 1997.

4. Исмоилов Б. И. Международные стандарты в области прав и свобод человека и национальное законодательство Республики Узбекистан (проблемы взаимодействия и имплементации). Автореф. дисс. ... доктора юрид. наук. – Т.: 2006. – 42 с.

5. Абдухоликов С. Узбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари: Фалс. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 51 б.

6. Агзамходжаева Ш.С. Узбекистон маънавий янгиликларининг бадиий маданиятининг ўрни: Фалс. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.

7. Бойтемирова З. Шахс ахлоқий эҳтиёжларини шакллантириш омиллари: Фалс. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 147 б.

8. Гуламова Д.А. История формирования нравственных ценностей студенческой молодежи Узбекистана в период независимости: Дис. ... канд. филос. наук. – Ташкент, 2008. – 30 с.

9. Ильинская С. Г. Толерантность как категория политической теории: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – М., 2006. – 34 с.

10. Кадырова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества: Автореф. дис. ... д-ра филос. наук. – Ташкент, 2000. – 44 с.

11. Мадаева Ш.О. Узбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари: Фалс. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 50 б.

12. Мусаев Ф.А. Узбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари: Фалс. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 476.

13. Назаров К.Н. Система ценностей: диалектика устойчивости и изменчивости (социально-философские проблемы аксиологии). Автореф. дис. ... д-ра филос. наук. – Ташкент, 1997. – 40 с.

14. Пулатов А.Х. Марказий Осиёда этносоциал муносабатлар назарияси, муаммолари, ечимлари: Фалс. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2003. – 416.

15. Сафаева С.Х. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари: Фалс. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 20 б.

16. Темирова Н.Э. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси: Фалс. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 24 б.

17. Юлдашева Ф.Х. Роль ценностей ислама в процессе духовного обновления общества: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Ташкент, 2006. – 25 с.

18. Қамбаров А.А. Жамиятнинг маънавий янгиликларини жараёнида миллий қадриятларнинг роли: Фалс. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.

19. Ғайбуллаев О.М. Узбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиш масалалари: Фалс. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 25 б.

сўзи дастлаб биология ва тиббиёт соҳаларида ишлатилган бўлиб, бундан кўра асосан имунитети йўқ инсонларга нисбатан қўлланилган. Бинобарин, толерантлик турли маданиятлар томонидан бир хилда қабул қилинган ва халқнинг тарихий тажрибасига боғлиқ бўлган.

Инглизчада «толерантлик» – шахс ёки нарсани ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиш қобилияти ва ҳозирлик; французчада – ўзганинг эркинлиги, фикрлаш тарзи, хатти-ҳаракати, сиёсий ёки диний қарашларини ҳурмат қилиш; арабчада – кечиримлилиқ, марҳаматлилиқ, раҳмдиллик, сабр. ўзгаларга илтифотлилиқ; хитойчада – ўзгаларга нисбатан бағрикенгликни намоён этиш; русчада – чидаш, тоқат қилиш, ўзгалар фикри билан қизиқиш қобилияти. ўзгаларнинг қилмишларига нисбатан марҳаматли бўлиш каби маъноларни англатади¹².

Шундай қилиб, кўпгина Европа халқлари тилларида «толерантлик» сабр-тоқат, кимдир ёки нимадирга нисбатан марҳаматлилиқ билан боғлиқ бўлиб, ўзга инсоннинг фикрлаш ва ҳаракатланиш эркинлиги учун имконият яратишга тайёрликни англатади.

Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларнинг ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усуллари ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик – турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчлик эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир. Бағрикенглик – ён бериш, андиша ёки ҳушомад эмас. Бағрикенглик – энг аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Ҳеч қандай вазиятда ҳам бағрикенглик ана шу асосий қадриятларга тажовузларнинг баҳонаси бўлиб хизмат қилмайди. Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш плюрализм (шу жумладан, маданий плюрализм), демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир. У яна шунинг билан англатадики, одамлар ўз табиатида кўра ташқи кўриниши, киёфаси ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши эътирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг

ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидирлар. У яна шунинг билан англатадики, бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Фалсафа фанлари доктори З.Р.Қодирова толерантлик тушунчасини қуйидагича таърифлайди. Шарқ халқлари тилларида «толерантлик»нинг терминологик ўхшашликларига эътибор қаратади. Масалан, арабча «тасаммул» сўзи кечирриш, марҳаматлилиқ, юмшоқ-лик, раҳмдиллик, шафқатлилиқ, мурувватлилиқ, сабр-тоқат, ўзгаларга нисбатан илтифотли бўлиш каби маъноларни англатади. Ўзбекчада «бағрикенглик» ўзга миллат, ўзга маданиятни қабул қилиш қобилияти сифатида тушунилиб, «сабр-тоқатлилиқ» сўзи маъно жиҳатидан унга анча яқин туради. Рус тилида «толерантность» кимгадир ёки нимагадир чидаш қобилияти, вазмин, чидамли, матонатли бўлиш, бошқалар фикри билан ҳисоблашиш, кечиримли бўлишни англатади¹³.

“Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида таъкидланишича, “Динлараро бағрикенглик хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади”¹⁴.

Айни вақтда динлараро низолар, бир-бирини камситиш, тарафкашлик, мутаассибларча мазҳабпарастликка ҳам йўл қўйилмайдиганлиги. Шу боис Ватанимизда турли диний конфессиялар бемалол фаолият олиб бормокда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўн олтита диний конфессия фаолият юритмокда. Жами 2104 та диний ташкилот, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ церкви Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 1906 та масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яҳудийлар жамоаси, 7 та баҳойилар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 13 та диний ўқув юрти (1 та ислом маҳади, 10 та мадраса, 1 та православ ва 1 та тўлиқ Инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик

¹² Едыгова Наталья Петровна. Воспитание межнациональной толерантности в поликультурной подростковой среде. Док. канд. пед. Наук. – Москва ПроСофт-М. 2003. – С. 12.

¹³ Карант. Современный словарь иностранных слов / Л.М. Баш, А.В. Боброва и др. – М.: Цитатель-Трейд, 2006. – С. 738.

Қодирова З.Р., Шарипов А.Д., Алиева В.Р. Повышение социальной активности молодежи – важный фактор развития гражданского общества в Узбекистане. – Т.: Ин-т философии и права, 2008. – С. 7.

¹⁴ Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 60.

¹⁵ Комитов Н., Жўраев К. Давлат, жамият ва дин. – Т.: «Akademika» 2006. – Б. 142.

шартлари ва тараққиёт кафолатлари¹⁶ номли асарида ҳам толерантлик гояларига катта эътибор берилган. Ушбу асарда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли диний муассасалар ҳақида фикр юритилар экан, унда давлатни улар билан ўзаро муносабатда бўлиб ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, куйидаги тамойилларга амал қилаётгани баён этилган:

Биринчидан, диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш

Иккинчидан, диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки уларнинг уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

Учинчидан, диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тең кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

Тўртинчидан, маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурияти;

Бешинчидан, диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш. Юқоридаги фикрларда хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда багрикенглик гояларига бўлган муносабат нафақат назарияда, балки амалиётда ҳам ўз аксини топган.

Бугунги кунда динлараро багрикенглик гояси — нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг тинчлик ва озодалик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутати ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Дин ҳеч қачон одамларни ёмон йўлга бошламайди, у бу дунёнинг ўткинчи эканини ва охирагининг ҳақлигини эслатиб туради, одамларни ҳушёр бўлишга, ҳаром йўللاردан узоқ бўлишга, яхши қилдиришга ундаб туради”¹⁷. Шундай экан, ёшларда толерантлик гояларининг ривожланиши ва тараққий этган ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳамда демократик давлатнинг оёққа туриш жараёнида самарали кечишининг энг муҳим шартидир. Демак, ёшларда толерантлик гояларининг шаклланиши ижтимоий фаоллигининг конструктив ривожланишини тегини

ҳуқуқий маданиятсиз, сифат жиҳатдан янги ҳуқуқий онгсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Миллатлараро низолар, шунингдек, халқаро террорчилик авж олаётган бир шароитда ёшларнинг толерантлигини ривожлантириш масалалари фуқаролик жамиятини қуриш нуқтаи назаридан етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шунингдек, уларнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари тадқиқотчилар назаридан четда қолмоқда. Мазкур илмий иш бу борадаги бўшлиқни муайян даражада тўлдириш мақсадида яратилди. «Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобилигимизга урналиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаёtimизга янада кенгрок жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз»¹⁸. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жараёнида ижтимоий фаоллик ва толерантлик, сиёсий, ҳуқуқий-маънавий ҳамда ижтимоий онг шаклланишига онд фундаментал тушунча бўлиб, фуқаролик жамиятининг тамойилларига мос келади. Умуман, ёшлар муаммолари, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамиша ўзига хослиги билан ажралиб турган. Шунинг учун, “Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш — бугунги куннинг устивор вазифасидир”¹⁹. Бу масала мамлакатимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар аҳолининг 60,0% ни ташкил этиши, ҳамда бу соҳада бир қанча муаммолар борлиги, айниқса, тараққиётимизда улардаги ижтимоий фаоллик ва толерантликнинг янада орта бориши ҳам муаллифлар назаридан четда қолмай, манбалар асосида таҳлилий ифода этилган. Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эркин озодлигини кўз қорачигидай асраш, унинг ҳавфсизлигини ҳимоялашдир”²⁰.

Ўзбекистонда кенг ва ҳар томонлама ижтимоий-сиёсий ва маънавий ислохотларнинг амалга оширилиши — буларнинг ҳаммаси бошқа йирик масалалар қаторида ёшларнинг ижтимоий фаоллашуви-

¹⁶ Ўзбекистон XXI аср бунёдига ҳавфсизликка таъдил барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари — Ўзбекистон, 1997 — Б 328

¹⁷ Каримов И. Ўзбекистон бунёд келажаги сари — Т.: «Ўзбекистон», 1999 — Б 448

Хайитова И.А. Юсак маънавий — сиёсий куч — Т. Маънавий 2008 — Б 114

Каримов И.А. Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий кадрият Т.14 — Т. “Ўзбекистон” 2006 — Б 98

Каримов И.А. Вақт рағбатини учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 — Т.: «Ўзбекистон», 2001 — Б 103

ни юксалтириш ва багрикенглик муаммолари давлат сиёсати даражасида қўйилганлиги юқорида таҳлил этилди. Ушбу муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши замонавий шарт-шароит ва омиллар билан бирга уларнинг ўтмишда кўтарилиши ва ҳаётга татбиқ этилишига оид бўлган миллий-тарихий анъаналар ҳам белгиланди. Шу билан бирга ёшларда багрикенглик муаммоларининг тарихий-фалсафий меросимизда қўйилиши маълум умумий хусусиятларга эга.

Биринчидан, уларга хос муштарак белгилари шундан иборатки ушбу икки муаммо бир-бири билан мазмунан боғланган ҳолда қўйилган, чунки бир томондан, ёшларнинг бошқа қатор омиллар билан бирга юксак даражада жамиятдаги, маънавий меросдаги багрикенглик гоёлари қанчалик шаклланганлиги билан белгиланса, бошқа томондан ёшларнинг багрикенглиги уларнинг ижтимоий фаоллигининг муҳим таркибий қисмини ташкил этиш кераклигини кўпчиликлари ўтмиш мутафаккирларимиз яхши тушунишган.

Иккинчидан, тарихимизнинг турли босқичларида ушбу муаммоларни ҳал қилиш тамойил ва негизларининг маълум умумийлигини жамият ва маънавиятимиз тарихига хос бўлган қатор умумий омиллар белгилайди. Булардан энг муҳимини ўз вақтида Президенти миз И.А.Каримов қуйидагича таърифлаган: «Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё гоёт хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этно-сабр-тоқат, багрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш, ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ҳатто, бундай ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбахш анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар. Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кучманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар. Сўнгги икки аср давомида халқлар ўзларини «маданиятлн» ва «маърифатли» ҳисоблаб келган давлатлар оммавий киргинлар ва диний таъқиблар билан ўзларига доғ тушириб, бир пайтда, Ўзбекистон замини халқлар ва маданиятлар тинчлик билан бирлашган жойигина бўлиб қолмай, балки қувгин қилинган халқлар бошпана ҳам берди»²¹. Бутун жамият ва маънавиятимиз тарихига

²¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳафсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва таркибий қураш шартлари // Ўзбекистон бунёк келажак сари - Т. «Ўзбекистон», 1998 6 528

бўлган ушбу хусусиятлар тарихий-фалсафий меросимизда мавжуд бўлган қатор муаммолар, хусусан ёшларда багрикенглик масалаларини ҳал қилишдаги маълум умумийликларни белгилаб келган. «Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши — буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбияладиган кадрларга айланиб қолмоғи лозим»²², дебқатъий таъкидлаган эди И.А.Каримов. Шунинг учун ушбу жараёнларда бошқа имконият ва воситалар қаторида халқимизнинг бой ҳамда қадимги тарихий-фалсафий мероси ҳам кенг ва унумли ишлатилиши керак, хусусан ундаги ёшларнинг ижтимоий фаоллашуви ва багрикенглик гоёлари, жамият ва инсонга нисбатан зўравонлик, адолатсизлик, ноҳақликка қарши курашиш, жамиятда барқарорлик ўрнатишга интилиш анъаналари кўп асрлардан буён шаклланиб келган. Бу эса, ўз навбатида Ўзбекистонда жамиятимизни чуқур ва ҳар томонлама ислохлаштириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллашувини ошириш, ижтимоий ва шахсий багрикенгликни ривожлантириш жараёнида халқимизнинг маънавий-маданий мероси, миллий анъаналарини тиклаш ва келажак учун унумли ишлатиш ўта муҳимлигини яна ҳам намоён этади²³. Шу боисдан халқимизнинг тарихий-фалсафий меросининг муҳим таркибий қисми бўлган мутафаккирларимиз томонидан ривожлантириб келинган ёшларнинг ижтимоий фаоллашувини ошириш, айниқса, багрикенглик гоёлари қатта аҳамиятга эгалигини таъкидлаш лозим. Албатта, ушбу гоёларнинг турлари ҳар хилдир, улар ижтимоий, диний, миллий, ирқий, ахлокий тус олган. Улар замонавий терроризм ва экстремизм гоёвий қолипларининг ижтимоий, диний, миллий ирқий, ахлокий томонларига объектив равишда қарши қаратилган бўлиб, ушбу разил гоёлар билан курашиш, ёшларни улардан сақлаб қолиш йўлида ҳам ишлатилиши мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, мутафаккирлари-мизнинг ушбу таълимотлари, бир томондан, назарий-концептуал жиҳатдан ишлатилиши мумкин бўлса, иккинчи томондан, улар амалий-услубий хизмат кўрсатиши мумкинлиги нуқтаи назардан қатта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мустақиллик туфайли ўз тарихий тараққиётининг тамомила янги босқичига

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳафсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва таркибий қураш шартлари // Ўзбекистон бунёк келажак сари - Т. «Ўзбекистон», 1998 6 527
Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Ахмедов В.А., Каримова Э.Г., Мадасова Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва таркибий қураш шартлари // Ўзбекистон бунёк келажак сари - Т. «Ўзбекистон», 2006 6 66-141

кадам қўйган Ўзбекистон олдида истиқлол мафкурасини яратини унинг олийжаноб гоёларини, жумладан толерантлик гоёларини ҳаёт жорий этишдек муҳим вазифани илгари сурди. Президентимиз асарларида бағрикенглик гоёсининг ўзига хос хусусиятларини илм ва назарий жиҳатларини чуқур асослаб берди:

- Бағрикенглик гоёсини яратилишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тамойиллар асос қилиб олинган. Шунинг учун толерантликнинг мазмун – моҳияти, мақсад ва вазифалари Асосий Қонунга тўла мос ва мувофиқ келади:

- Истиқлол мафкурасида синфийлик, яккапартиявийлик мафкурасига хос бўлган ҳукмронлик, зўравонликдан асар ҳам йўқ;

- Бағрикенглик – жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғ муқаддаси инсондир, деган қондага асосланган. Унинг туб мақсади инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини муқаддас деб билиш ва ҳимоя қилишдан иборат;

- Бағрикенглик тамойилларида жамиятимиздаги барча кучлар жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, аҳолининг турли қатламлари, сиёсий партияларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари манфаатлари ўз ифодасини топган;

- Толерантликнинг моҳиятини очиб беришда фикрлар хилма-хиллигига асосланганлигидадир.

Толерантлик мафкура, ахлоқ, дин ва бошқа ижтимоий ошакллари билан уйғунликда мавжуд бўлади. Толерантлик – инсонлар ўртасидаги мулоқатда, уларнинг қандай бўлса, шундай қабул қилиш тушунчасидир²⁴. Аммо ана шу онг шакллари, аҳолининг турли табақалари, хусусан ёш жиҳатдан фарқланувчи қисмларида ўзига хос тарзда намоён бўлиши тадқиқотларимиз натижаларига кўра ойдинлашди. Миллатнинг якдиллиги кўп жиҳатларда аҳолининг турли табақалари ўртасидаги мувофиқлик даражаси боғлиқдир.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган янгидан-янги ижтимоий сиёсий, маънавий соҳалардаги туб ўзгаришлар ва глобал муаммолар ҳам кескин ривожланаётган бир пайтда Ўзбекистонда кенг ва томонлама ижтимоий-сиёсий ва маънавий ислохотларнинг амалга оширилиши – буларнинг барчасида, асосий масалалар қатори ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш таълим тараққиёти бағрикенглик муаммолари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

²⁴ Маргария Арутюн Ардашевич. Педагогическое сопровождение развития толерантности в межличностных взаимодействиях военнослужащих по призыву. Дис. канд. пед. наук – Астрахань, 2010 – С. 15.

нинг президентимиз асарларида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар орқали юқорида таҳлил қилинди.

1.2. Ўзбекистонда XIX аср охири – XX аср бошларида маърифатпарварлик ривожини асосий боқишларининг тарихий-фалсафий таҳлили

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида сиёсий, маданий, иқтисодий жиҳатдан инкироз ҳолатига тушиб қолган мустамлака мамлакатлари ривожланиш паст даражада бўлган ўлкада Туркистон мамлакатлари Россия империясининг мустамлакачилиги зўлидан қилиниб, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш чораларини кўрди. Бу арада жадидчилик ҳаракати катта роль ўйнади. Жадидчилик рус мустамлакачилигига қарши миллий демократик ҳаракат бўлиб, у ўша давр Туркистондаги қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, пировардида миллий мушаккиллик гоёларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган эди. Туркистонда жадидчилик гоёлари XIX асрнинг 90-йилларидан ёйила бошлади. Бу ҳаракат XX асрнинг 30-йиллари ширларигача ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Жадидчилик Россияга қарам бўлган мусулмон халқлари орасида ташлаб Қримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни чуқур эгаллаган Исмоилбек Гаспралли (1851–1914) бўлди. Исмоилбек Гаспралли 1884 йилда жадид мактаби ташкил этиб, 40 кунда 12 боланинг саводини чиқаради. Унинг ўқитиш усули «усули савтия», яъни «янги усул» номи билан шуҳрат қозонди. «Жадид»²⁵ арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони билдиради. Исмоилбек гоёларини қабул қилган янгилик тарафдорлари «жадидлар», унинг гоёлари эса «жадидчилик» номини олди. Исмоилбек Гаспралли дарслик яратади, ўзининг «Таржимон»²⁶ (1883–1914) газетасини ташкил этиб, жадидчиликни туркий халқлар орасида кенг тарғиб қилади. Бу газета Тошкент ва бошқа шаҳарларга ҳам тез ёйила бошлайди. И. Гаспралли 1893 йилда Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлди. Бухорода амир Абдулаҳадни жадид мактаби очишга

²⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти – Т. 2006 – Б.

²⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти – Т. 2006

кўндиради. Бу мактабга «Музаффария» номи берилди. 1898 йил Тўқмоқда (Қирғизистон) ҳам шундай мактаб очилди. 1899 йил Андижонда Шамсуддин домла, 1901 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов ва Самаркандда Абдуқодир Шақурийлар биринчи бўлиб жадид мактабларини очадилар. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари жадид мактаблари учун дарсликлар ҳам яратганлар. Хусусан, Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал»²⁷ (1903), Мунавварқорининг «Адиби аввал»²⁸ (1907), Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» (1912) дарсликлари²⁹ алоҳида эътиборга моликдир. Жадидларнинг халқ маърифати учун кураш дастури асосий йўналишдан иборат бўлган:

1. Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш. 2. Умиддорликни ёшларни чет элга ўқишга юбориш. 3. Турли маърифат жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг кучли фирқасини ташкил этишга қаратилган газеталарни чоп этиш. Шу дастурни амалга ошириш борасида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжа, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишди. Янгича ўқитиш мусулмон болаларига қисқача вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди. Бу дастурга кўра мактабларда ўқитиш тизими икки босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич ибтидоий қисм деб аталган унинг таҳсил муддати 4 йил бўлган. Биринчи босқични тугатган шогирд эски мактабда 10 йил ўқигандан кўра яхшироқ савияга чиқарган. Иккинчи босқични муваффақиятли тугатган шогирд арабча, форсча, туркий тилда бемалол сўзлашиб, русчада эркин гаплаша олар эдилар. Жадидларнинг халқаро алоқалари жуда кенгайиб қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлган. Ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. 1905–1907 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам таъсирини кўрсатди. Фаол кучлар жипслаша бошладилар ва жадид маърифатчилиги фаолиятини жадаллаштирдилар.

1917 йилнинг март, апрель ойлари ўлканинг сиёсий уйғониши бошланди. Бу вақтда жадидчилик маърифатчилиги

ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига аллақачон кўтарилиб бўлган. Ўша 1917 йилнинг ўзида 4 мартда Бутун Туркистон мусулмонлари курултойи ўтказилди. 1917 йил 16–23 апрелда Тошкентда бўлган I курултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш гоёси олға сурилди. Бу гоё Туркистон халқларининг ўз миллий давлатчилиги тиклаш йўлидаги дастлабки қадами эди. Бутун Туркистон мусулмонлар биринчи курултойнинг сўнгги мажлисида марказий раҳбар органи – Туркистон Ўлка мусулмонлари кенгаши «Краймуссавет» ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Уни тузишдан асосий мақсад миллий-озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган хусусият кашф этиш учун бир-бири билан тарқок алоқада бўлган жамият, қўмита ва иттифокларни бирлаштириш эди. Туркистон мусулмонлари марказий кенгашига Мустафо Чўқаев раис, Закий Валидий бош котиб, Мунавварқори Бехбудий, О.Маҳмудов, У.Хўжаев, Т.Норбўтабеков, Ислон Шоаҳмедов ва бошқалар аъзо қилиб сайланди. Мунавварқори ва Садриддинхон афанди бошчилигида Тошкент қўмитаси тузилди. Шунингдек, Бехбудий раҳбарлигида Самарканд ва Носирхон Тўра етакчилигида Фарғона бўлими ҳам ташкил топди. Марказий Шўронинг органи сифатида «Кенгаш» (муҳаррири – Валидий), кейинчалик «Нажот» (муҳаррири Мунавварқори) газеталари чиқа бошлади.

Ўлкада 1917 йил 28 ноябрь (11 декабр)да ташкил топган янги давлатнинг номи аниқланиб, Туркистон Мухторияти деб аталадиган бўлди. Қурилтой ўша кунги йиғилишида Бутун Россия Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллат) Мажлиси қўлида бўлиши керак, деб қарор қабул қилди.

Курултойда Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан 8 кишидан иборат таркибда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди. Ҳукуматнинг Бош вазири ҳамда ички ишлар вазири этиб Муҳаммаджон Танишбоев сайланди. Ислон Султон Шоаҳмедов – Бош вазир ўринбосари, Мустафо Чўқаев – ташқи ишлар вазири, Убайдулла Хўжаев – ҳарбий вазир, Ҳидоятбек Юрғули Агаев – ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Маҳмудов – озиқ-овқат вазири, Абдурахмон Урозаев – ички ишлар вазирининг ўринбосари, Соломон Абрамович Герцфельд – молия вазири лавозимларини эгаллашди. Ҳукумат таркибида кейинчалик айрим ўзгаришлар юз берди. М.Чўқаев бош вазир лавозимини бажаришга киришди. Вазирлардан уч киши олий маълумотли ҳуқуқшунос, икки киши ўртача малакали ҳуқуқшунос

²⁷ Ўша жойда

²⁸ Абдулла Авлоний. Таланган асарлар "Маънавият" – Т. 2006 – Б.

²⁹ Ўша жойда

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	3
I БОБ. ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ- ФАЛСАФИЙ МЕРОСДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ	8
1.1. Ёшлар толерантлиги муаммосини тарихий-фалсафий тадқиқ этишнинг назарий-услубий масалалари	9
1.2. Ўзбекистонда XIX аср охири – XX аср бошларида маърифатпарварлик ривож асосий боқичларининг тарихий-фалсафий таҳлили	19
1.3. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий моҳияти	30
II БОБ. ЖАДИДЧИЛИКДА ЁШЛАР ТОЛЕРАНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИНГ ЎРНИ	41
2.1. Ўзбекистон тарихий-фалсафий меросда ёшлар толерантлигини шакллантириш анъаналари	42
2.2. Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлар ҳақидаги ғояларида толерантликни шакллантириш муаммолари	49
2.3. Жадидчиликдаги янги таълим-тарбия тизими моҳияти ва ёшлар толерантлигининг ўрни	59
III БОБ. ЖАДИДЧИЛИКДА ЁШЛАР ТОЛЕРАНТЛИГИНИ	70
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	70
3.1. Жадидлар ижодида ёшларнинг маънавий-ахлокий камол топиши ҳақидаги ғояларда толерантлик масалалари	71
3.2. Жадидчилик меросида ёшларда ватанпарварлик, миллий ва диний толерантликни шакллантиришнинг ўрни	79
3.3. Ёшлар толерантлигини юксалтириш жараёнида жадидчилар ғояларининг қўлланилиши	91
ХУЛОСА	103
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	103

АКМАЛ САЛОХОВ

**ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИДА ЁШЛАР ТОЛЕРАНТЛИГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ-
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

Мухаррир М. Талипова
Техник муҳаррир И.Ҳамидова
Саҳифаловчи Б.Ҳайдаров

Нашр. лиц. АИ № 276 15.06.2015
Босишга рухсат этилди 13.06.2016 й.
Бичими 60x84/16. Ризограф босма усулда босилди.
Times гарнитураси. Шартли босма табағи 7.5.
Нашр ҳисоб табағи 6,8. Адади 50 нусха. Буюртма № 13-06

«LESSON PRESS» МЧЖ нашриёти
100071, Тошкент ш., Камолон кўчаси, Эркин тор кўчаси, 13

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Кушбеги, 6.